

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

З.Ш. Мирахмедова, Қ. Эргашев

**Баҳоуддин Нақшбанд – тасаввуф
илмининг султони**

Илмий – рисола

Тошкент – Иқтисодиёт – 2009

Мираҳмедова З.Ш., Эргашев Қ. Баҳоуддин Нақшбанд – тасаввуф илмининг султони: Рисола. – Т.: “Иқтисодиёт” нашр., 2009. – 36 б.

Ушбу рисоладан тасаввуф илмининг султони – Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва фаолияти, раҳномалари ва шогирдлари унинг яратган таълимоти (тариқати), бу тариқатнинг тамойиллари, қоидалари, ҳазратнинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳикматларининг моҳияти, у киши яратган таълимотнинг кейинги асрларда ва бугунги кунда қандай аҳамият касб этганлиги ва этаётганлиги хусусидаги фикрлар ўрин олган.

Рисола кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир тарих фанлари номзоди, доцент
И. Шодмонкулов

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор
Ҳ. Ҳамидов,
тарих фанлари номзоди, доцент
Х. Мамарахимов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-услубий Кенгашининг
№ - сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

© - Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2009.
© - Иқтисодиёт, 2009.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
1. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, раҳнамолари ва шогирдлари.....	5
2. Нақшбандия тариқати.....	14
3. Таълимотнинг инсонпарварлик ғоялари, Баҳоуддин, Нақшбанд ўғитлари.....	23
4. Тариқатнинг кенг қулоч ёйиши.....	27
ХУЛОСА	33
Силсилаий шариф.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	35

КИРИШ

Эркин ва фаровон ҳаёт кечириётган бу табаррук замин истиқлолгача оғир, мусибатли тарих силсилаларини бошдан кечирди. Бироқ шундай замонларда ҳам дунё маданияти ривожига ўз улушларини қўша олган машҳур олиму фузалоларини етиштириб бера олди.

Мустақил юртимизнинг бу буюклиги ва заминимизнинг муқаддаслиги ҳақида Президент И.А. Каримов: “Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади¹”, - деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Дарҳақиқат, халқимиз етиштириб берган буюк зотлар нафақат дунёвий илмда, балки диний илмда ҳам ўзларини танита олдилар. Шу боис ҳам бугунги кунда ислом дунёси уларни эъзозлаб, номларини шарафлаб келмоқдалар. Улар туфайли бир неча асрлардан буён ислом дини халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, илмий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ислом маданиятини равнақ топтиришда муҳим ҳисса қўшган алломаларимиздан бири – Баҳоуддин Нақшбанддир.

Юртбошимиз И.А. Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида у кишининг муборақ сиймосини алоҳида ажратиб туришини таъкидлаб: “Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳоуддин Балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор”, деб ёзадилар. Бу ҳазратнинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин”, деган ҳаётбахш ҳикматларини шу бугун айтилгандек жаранглаётганлигини кўрсатиб ўтадилар².

Ҳа, соҳиб кароматли авлиё Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти, унинг ўғитлари бугунги кунда олдимизда турган вазифаларни виждонан бажаришга, ёшларимизни амалга оширилаётган ислохотларга даҳлдорлигини ҳис этишга чорламоқда. Шу боис ҳам биз бу улуғ ҳазратнинг ҳаёти, фаолияти, таълимоти ва бу таълимотнинг бугунги кунда қандай аҳамият касб этаётганлиги хусусида қисқача маълумот беришга жазм этдик.

Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Таббарук заминимизнинг қадрига етиш учун биринчи навбатда шу юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак. Айтиш керакки, маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади³”.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 184 – б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 40 – б.

³ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-16 б.

1. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, раҳнамолари ва шогирдлари

XIV аср Ўрта Осиё тасаввуфининг йирик намоёндаси, машхур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси ва раҳномоси бўлмиш бу улуғ зотнинг асл исми Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурхонуддин ал-Бухорий бўлиб, ислом оламида Ҳожаи бузруг ва Шоҳи Нақшбанд номлари билан машхур бўлган.

Баҳоуддин Муҳаммад 1318 (ҳижрий 718) йили Бухоронинг Қасри Ҳиндувон (кейинчалик унинг номи билан юритилгин Қасри Орифон) номли қишлоғида дунёга келади.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам Нақшбанднинг бу жойда туғилганлигини тасдиқлаб, “Ҳожа Муҳаммад Бобои Самосий Қасри Ҳиндувондан ўтарда дер эмишларки, бу туфроғдин бир эр (ўғил бола) иси келадур. Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлгай”, - деб ёзиб қолдирганлар.

Нақшбанднинг онаси Биби Орифа отаси Саййиа Жамолиддин тўқувчи ва нақш солувчи уста бўлган. Муҳаммаднинг буюк тариқат эгаси бўлиб етишувида сўфийлар билан яқиндан муносабатдан бўлган бобосининг хизмати каттадир. Айнан у Муҳаммадда тасаввуф илмига қизиқиш уйғотди ва уни шу йўлда тарбиялашга аҳамият берди. Баҳоуддин Муҳаммад Бухорода таҳсил олгач, уни бобоси Азизхон тариқатининг Шайхи Шайх Ҳожа Муҳаммад Самосийга олиб бориб Шайх уни ўғил қилиб, ўз тарбиясига олади. Самосий вафоти олдидан ўз халифаси амир Саййид Кулолга Муҳаммадни ўзига шогирд қилиб олишни, уни Ҳожагон тариқати жамоасига қўшиб, уларнинг тасаввуфий йўлини Муҳаммадга ўргатишни васият қилади.

Муҳаммад, Кулолнинг зикр доираларида ва тасбеҳ айтишларида иштирок этиб, ўз билимларини янада оширади. У Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг ғойибона башорати туфайли руҳония даражасига эришади. Манбаларда бу башорат Баҳоуддиннинг тушида Абдуҳолиқ Гиждувонийни кўргани ва у Баҳоуддинни Саййид Кулолга юборгани билан изоҳланади. Бироқ Муҳаммад муршид олдига келгунича, тариқатнинг ҳақ йўлига эришиб, сўфий даражасига етган эди. Амир Саййид Кулол Шоҳобуддиннинг (XV аср) “Нақоматлари”да ва Салоҳ ал- Муборак Бухорийнинг “Мақомати Баҳоуддин Нақшбанд” китобидаги ривоятларида айтилишича, Муҳаммад Амир Саййид Кулол хизматига келишдан олдинроқ дунёвий ҳаётнинг пуч-бехудалигига тўла ишонч ҳосил қилган. Кейин Нақшбанд Мавлоно ориф Деккироний даргоҳида 7 йил хизмат қилган, сўнг туркий тасаввуфий шайхлар Кусам шайх ва Ҳалил Оталар (у Ҳалил ота даргоҳида 13 йил хизмат қилган ва унинг яқин ҳамсухбати бўлган) йўлида тасаввуфий таълимотни давом эттириб, камолотга етказган.

Баҳоуддин гўдаклигиданоқ атрофдагиларни ўз мўъжизалари билан лол қолдирарди. У истаса, юриб бораётган одамни бир қарашда тўхтатиб қўяр, ҳатто булутларнинг йўлини ҳам ўзгартиришга қодир эди. Бўлажак аллома етти ёшиданоқ Қуръони каримни тўлиқ ёд олди. У Арасту ва Афлотун Исмоил Бухорий, Ҳаким ат-Термизий каби аллома, бузрук машойихларнинг, Аҳмад Яссавий, Раметоний асарларини тинмай ўқиди, ўзи ҳам китоблар ёзди. Ривоятларга кўра, Саййид Кулол ушбу иқтидорли шогирдини ўз рўпарасидаги

жойномозга ўтказиб, Қуръони карим сураларини бирма-бир такрорлатиб, маъноларни шарҳлаб, тушунтириб берар экан.

Баҳоуддин Нақшбанд икки марта Ҳаж қилган. Шамсуддин Сомийнинг “Қомус ал-аълум” китобида ёзилишича, иккинчи марта Ҳаж қилганида шогирди Хожа Муҳаммад порсо унга ҳамроҳ бўлган. Қайтишларида Нишопур ва Ҳиротга бурилиб, айрим машҳур шайхлар билан учрашиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, Ҳиротда бир муддат истиқомат қилиб қолган.

У Бухорога қайтгач, қолган бутун умрини шу ерда ўтказди. Амир Кулолнинг васиятига биноан тасаввуф йўлининг халифаси (тасаввуф раҳнамоси) бўлиб қолди. Маноқибларда ёзилишича, Хожа Баҳоуддин умри охирлаганини сезгач, Бухоронинг қарвон саройларидан бирига бориб, ҳолсизланиб ётади. Атрофида бисёр шогирдлари парвона эдилар. Жони узилаётган лаҳзада жойнамоз устида фотиҳага қўл очиб, узоқ ўтириб қолади ва руҳи шу алфозда ўзга оламга равона бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд 1389 (ҳижрий 791) йили 73 ёшида вафот этади ва киндик қони тўкилган Қасри Орифонда дафн этилади. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойиму–л-муҳаббат” асарида “Алар (ҳижрий) етти юз тўқсон бирда, робби-ул аввал ойининг учиди, душанба кечаси (73 ёшда) оламдан ўтибтурлар,” деб ёзганлар.

Ҳар бир даврда Бухорода ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар Баҳоуддиннинг мазорини обод қилишни ўз бурчлари деб билганлар. Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон Нақшбанд мақбараси атрофида бир қатор бинолар қурдирган эди. Аммо шўролар даврида бу меъморий обидалар ташландик аҳволга тушиб қолди. Боз устига у ерга келганлар таъқиб остига олинди.

Хуллас, улар бошқа буюк боболаримиз каби Нақшбандни ҳам тарихимиз саҳифасидангина эмас, қалбимиздан ҳам ўчириб юборишга уриндилар. Нақшбандийнинг муридлари жуда кўп бўлиб, улардан энг машҳурлари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсолардир. “Қомус ал-аълум”да зикр қилинишича, Баҳоуддин Нақшбанднинг ваъз ва панду насихатларига оид “Ҳаётнома” номли битта манзумаси (шеърый асари) ва “Далил ал-ошиқин” номли тасаввуфга оид яна бир китоби бўлган, бироқ улар бизгача етиб келмаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Нақшбанд озга қаноат қилиш, ўз хоҳиши билан камбағал ҳаёт кечириш, дабдабали ҳаётдан воз кечишни тарғиб қилган. У кундалик тирикчилиги учун бир парча нонни ўз меҳнати билан ишлаб топган, эски бўйра устида, дарз кўзадан сув ичиб ҳаёт кечирган. У сўфий учун хизматкор ва қуллар ушлашни гуноҳ деб билган. Баҳоуддин Нақшбанд ўлимидан кейингина машҳур мўъжизакор авлиё, Аллоҳ ҳузуринда унинг бандаларининг воситачиси, оддий райят (фуқаро) ҳимоячиси сифатида шуҳрат қозониб, тан олина бошлади. Унга ихлос қўйиш бошга тушган ҳар қандай сабаблар жабр-зулмларидан халос бўлиш учун ундан мадад сўраш қоидалари фақат унинг Ватани Ўрта Осиёдагина эмас, балки қўшни ислом мамлакатларида ҳам кенг ёйилган. Бу қоидаларга фақат оддий халқ эмас, балки ҳукмдор шох-амирлар, олимлар ва шоирлар ҳам амал қила бошладилар. Қўл бериб, унинг муршиди бўлдилар.

Буюк шоирлар – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам Нақшбандия тариқатига амал қилганлар, унинг тасаввуфий йўлини тутганлар ва ўз асарларида тарғибот қилганлар. Буюк ўзбек шоири Бобораҳим Машраб (1640-1711) Нақшбандия тариқати йўлидан бориб, Офоқ Хожа кўлида таълим олиб, ҳаққа етишда ва тасаввуфнинг йирик вакили сифатида ўз ғазаллари ва “Мабдаинур” асарида бу ҳақ йўлни поклик, ҳалоллик ва Аллоҳга етишишнинг ягона воситасидир, деб тавсифлайди. Умрининг охиригача Нақшбандия тариқати йўлидан кетди.

Баҳоуддин тариқатини давом эттирган ва ривожлантирган, тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири халқ орасида жуда катта обрў қозонган шайх, Қошғарда яшаган авлиё Офоқ Хожа эди. 1544 йили шайбоний хон Абдулазиз (1540-1549) мақбара қурдирди ва бу жой муқаддас зиёратгоҳга айланди. Ҳатто, халқ орасида унинг қабрини уч марта зиёрат қилиш Макка ва Мадинага Ҳаж қилиш билан баробардир, деган шариатга зид ақида ҳам ҳукм сурди.

Баҳоуддин бухоролик улуғ тасаввуф намоёндаси, ватандоши Абдулҳолиқ Гиждувоний асос солган Хожагон тариқати йўлидан борди ва шу йўлдан борган жамоага раҳнамолик қилиш билан бирга ўзининг Нақшбандия тариқатининг ташкилий асосини қурди. Бу тасаввуфий тариқат уни халифа ворислари томонидан тўлиқ шакллантирилди. Баҳоуддин Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг анъана ва ғояларини қайта тиклаб, такомиллаштирди ва давом эттирди. Бу билан у Ўрта Осиё тасаввуфининг икки йирик намоёндаси – Аҳмад Яссавий ва Абдулҳолиқ Гиждувонийлар сулуқлари, қоида–қонун ва усулларини ўз таълимотида давом эттирди. Унинг давридаёқ Ўрта Осиёда нафақат шаҳарлар аҳолиси, оддий хунарманд – қосиблар, савдо аҳли орасида, балки кўчманчи туркий қабилалар орасида ҳам бу таълимот кенг қулоч ёйди, мустаҳкам асосга эга бўлган сунний ислом янада кенг тарқалди. Шу йўсинда унинг номи билан аталган Нақшбандия тариқати шаклланди.

Нақшбандия тариқати қатъий суннийликка асосланган бўлиб, маънавий силсиласи бир томондан Абу Бакр Сиддиққа (527-634), иккинчи томондан Али ибн Абу Толибга олиб борадиган 12 та тариқатнинг биридир. Тариқатнинг бу силсиласи “силсила ал-заҳаб” (олтин силсила) деб аталиб, тариқатни маънавий томондан Абу Бакр, жисмоний томондан Али ибн Абу Толиб орқали пайғамбар алайҳиссалом билан боғланишини билдиради. XV асрдан бошлаб Нақшбандия тариқати секин-аста энг кўп тарқалган (ал-Қодириядан кейин) руҳий-маънавий тариқатга айланди. У Ўрта Осиё ва Хуросондан Қоҳира ва Босниягача, у ердан Гансу ва Суматрагача ҳамда Шимолий Кавказдан Туркия, Ҳиндистоннинг жанубига ва Арабистоннинг Ҳижоз вилоятигача етиб боради ва жуда катта ҳудудда амалиётга айланади.

Бу жойларда Баҳоуддин вафотидан кейин унинг муршидлари, кейинчалик халифа ва ворислари Хожа Алоуддин Аттор ва Хожа Муҳаммад Порсолар Нақшбандия тариқатининг мавқеини кенг кўламда ёйиш ва ташкилий тузилишини мустаҳкамлашда жуда катта хизматлар қилдилар. Ўзининг ижтимоий негизи билан шаҳарларга хос бўлган бу тариқат шаҳар савдо ва хунармандчилик муассасалари билан яқиндан боғланди, унинг хонақоҳ (бурчак,

хужра, кулба)лари Мовароуннахрнинг деярли барча йирик ва ўртача шаҳарларидан пайдо бўла бошлади.

Бу тариқат ўзининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юқори чўққисига Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) даврида кўтарилди. Хожа Аҳрор шаҳар ва қишлоқларнинг кўзга кўринган гуруҳлари, жамоаларининг қўллаб-қувватлаши билан темурийларнинг ўзаро ички низо ва урушларига фаол ва оқилона аралашди ва қирқ йил давомида шу йирик мамлакатнинг сиёсий йўлбошчиси бўлди.

Хожа Аҳрорнинг дунёда ўзининг маънавий бурчини бажариш учун сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиш керак”, деган шиори унинг келажақдаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини белгилаб берди. Хожа Аҳрор фаолиятида қишлоқда деҳқончилик билан шуғулланувчиларни ва шаҳар халқини ҳарбий-кўчманчи зодогонларнинг талон-тарожи ва босқинчилигидан химоя қилиш муҳим ўрин тутар эди.

1500 йили Мовароуннахр ҳокимиятни қўлга олган Шайбонийлар Хожа Аҳрорга қарашли барча мол-мулк ва ерларини (фақатгина Қарши ва Самарқанд вилоятларининг ўзида 375 минг таноб 60 минг гектар ҳосилдор ерлар унга тегишли эди) мусодара қилдилар ва шу билан хонадон куч-қудрати тугатилди. Хожа Аҳрор ишини 1515 йилдан бошлаб Нақшбандия раҳномоси Хожа Аҳмад Косоний (1543 ёки 1549 й. вафот этган) давом эттирди. “Маҳмуди Аъзам” (Буюк ҳоким) фахрий номи билан машҳур бўлган тасаввуфнинг бу йирик намояндаси асли ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой туманидан бўлиб, Нақшбандия йўлида катта шуҳрат қозонди. У тасаввуфга оид бир қатор асарлар ҳам ёзиб қолдирган.

Бухородаги Жуйбор шайхлари (XVI аср ўрталаридан XVII аср охирлари) ҳам Нақшбандия йўлини тутган ворислар ҳисобланади. Улар Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида муҳим сиёсий ҳокимиятга ҳам эга бўлган эдилар. Нақшбандия ва унинг тариқати Мовароуннахрни, қирғиз уруғлари ва қозоқ қабила бирлашмаларини ҳамда шарқий Туркистон аҳолисини мусулмонлаштиришда муҳим хизмат қилади.

Шарқий Туркистондаги Хожа Аҳмад Косоний авлодларининг икки шохобчаси – оқтоғлик ва қоратоғлик хожалари (улар ўртасидаги кескин курашлардан натижасида XVII аср ўрталарида маънавий ва сиёсий ҳокимият тўлалигича оқтоғликлар қўлига ўтган эди) ҳам Нақшбандия тариқатининг давомчилари эди. Нақшбандия Ўрта Осиё ва Волгабўйи (Қозон)да XX аср 20-йилларигача амал қилиб келди.

Бу таълимот Ҳиндистон, Усмонли турклар диёри ва Эронда кенг тарқалди ва уларнинг давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўрта Осиё тасаввуф ривожига икки буюк сўфийнинг ҳиссаси каттадир. Улардан бири Абдулҳасан Али ал-Хороқоний бўлса, иккинчиси Абу Али ал-Фармадийдир. Бу шахс милодий 1084 йили оламдан ўтган. Фармадийнинг икки шогирди тасаввуф оламида жуда машҳур бўлиб: биринчиси Аҳмад ал-Ғаззолий (милодий 1122 йили вафот этган), иккинчиси Юсуф Ҳамадоний (милодий 1048-1140)дир. Кўп тариқат силсилалари ана шу икки шогирддан бошланади.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд бевосита Амир Сайиид Кулол, Қусам Шайх, Ҳалил оталардан таълим олган бўлсаларда, хожаган таълимотининг асосчилари, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг буюк мутасаввуф донишмандлар Шахс-уш-шуйух (шайхлар шайхи) Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) ва унинг тўртинчи мумтоз халифаси (шогирди) Хожаи жаҳон-Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийлар у кишининг маънавий устозлари эди.

Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Абдуллоҳ Гиждувоний ва унинг устози бузруквори Юсуф Ҳамадонийга нисбатан увайсия (яъни, бевосита эмас, билвосита, маънавий шогирд) ҳисобланади. Бу сўз, аслан, Пайғамбаримиз Расули Акрам (с.а.в.) ни кўрмай, учрашмай унга маънавий шогирд бўлган “Увайсия” тариқатининг асосчиси, яманлик машҳур мутасаввуф донишманд Увайс Карнайга нисбатан ва кейин тасаввуф илмида кенг жорий этилган.

Эрондаги Ҳамадон шаҳри ёнидаги Бузанжирд қишлоғида 1048 йилда туғилган Юсуф Ҳамадоний ўз даврининг етук фикҳ, ҳадис ва тасаввуф олимидир. У араб ва форс юртларида таълим олади, ўз билимларини яна ҳам ошириш ниятида Мовароуннаҳр ва Хуросонга келади. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Марв, Балх, Ҳирот каби шаҳарларда бўлиб, бу ерлардаги етук олимлар билан мусоҳиб бўлади. Бухорои шарифда масжид, мадраса ва хонақоҳ қурдириб, кўплаб туркийгўй ва форсийгўй шогирдлар тарбиялайди. Унинг халифаи арбаъа (тўрт мумтоз шогирдлари) Андокий, Барракий, Яссавий ва Гиждувонийлар ҳисобланади. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ўзининг “Рисолаи Шайх-уш-шуйух Юсуф Ҳамадоний” асарида бузруквор устози Юсуф Ҳамадоний ҳақида шундай ёзади: “Пири бузрукворимиз Юсуф Ҳамадоний узок умри мобайнида кўплаб сафарлар қилган, 33 марта пойу пиёда, гоҳ от-уловда юриб Ҳаж қилган, минг мартадан зиёд хатми Қуръон этган, Қуръони каримни мукамал ёд олган, улуғ донишманд бир зот эдилар. Ҳамиша тоат-ибодат қилар, кўпинча рўза тутар эдилар. 8000 будпарастни мусулмон қилган, унинг иршодзотини олиб, тўғри ҳақиқат йўлига тушганларнинг сон-саногини ҳеч ким билмас эди. У зоти муборак ҳалол меҳнат қилиб нима топса уйида сақламасдан, бева-бечораларга, етим-есирларга тақсимлаб берар эдилар...

Ўзлари суҳбат асосида доим табассум қилиб гапирар, туркийни яхши англар, бироқ қийналиб гапирмас эдилар... Алар ҳамиша ҳалол ичиб, ҳалол ер эдилар, ҳаром нарсалардан нафратланар эдилар, ҳалолларни ғоятда яхши кўрар эдилар, бекорчи мафтхўр (текинхўр) одамларни ёқтирмас эдилар. Танпарвар (худнома ва манман) кишиларни ғоятда ёмон кўрар эдилар; қишлоқ жойларида, тоғларда сайр қилишни ёқтирар эдилар, ўша жойлардаги аҳоли (турк, араб, тожик, чўпон, подабон, шутурбон) вакиллари билан ғоят самимий кўришар, улар билан дилдан суҳбатлашар эдилар”⁴.

Алар доимо: “Худой ломакондур, макон учун уни хожат йўқ, касб-ҳунар фарздур, яхши амал иймондандур, иймон тоатдур, ҳар қандай тоат иймон эмас”, деб иршод этардилар. Алар ҳамиша: “Хўш ҳар дам доред, назар бир қадам доред, сафар дар ватан доред, хилват дар анжуман доред”, - деб панд-

⁴ Ориф Усмон. Ҳазратнинг нару муршидлари. //Халқ сўзи 1993 й. 16 сентябрь.

насихат қилар эдилар⁵. Демак, хожагон (Нақшбандия) тариқатидаги асосий тўрт қоида (калимаи кудсия)ни “Хуш дар дам”, назар бар кадам “Сафар дар ватан” ва “Хилват дар анжуман” биринчи марта Юсуф Ҳамадоний томонидан айтилган, қолган тўрт қоида Абдулхолиқ Гиждувоний ва учтаси Нақшбанд томонидан ишлаб чиқилган (бу ҳақда биз кейинроқ яна тўхтаймиз).

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний қуддиса сирриху – Хожаи Жаҳон, Хожа Абдулхолиқ номи билан бутун дунёга машҳур Отаси Хожа Абдулжалил Румий Раҳматуллоҳи Алай Имом номи билан машҳур бўлиб, масжидда имомлик қилган. Имоми Молик авлодидан, румлик. Рум подшоҳлари авлодига ҳам мансублиги бор. Ул зот ўз замонасининг алломаси – зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими. Ҳизр алайҳиссалом билан суҳбатда бўлган. Зоти шарифнинг тушига Ҳизр алайҳиссалом кириб, Бухорои Шарифнинг сафар қилиши, Гиждувонда нашъу намо топиб, фарзанд топиб, фарзанд кўриши ва туғилажак фарзанднинг муборак исмини Абдулхолиқ қўйилишини башорат қилган.

Хожа Абдулжалил Румий розиаллоҳу анҳу Румдан нарвон бошлаб, Бухорои шарифга йўл олган ва тушда аён бўлганидек, Гиждувонда нашъу намо топиб, 1103 йилда фарзанд кўриб, исмини Абдулхолиқ қўйган.

Хожа диний оилада, исломий тасаввуф ва урф-одатлар қуршовида униб ўсган. Ҳизр алайҳиссаломнинг савоба фарзанди ҳисобланган. Тўққиз ёшида Қуръони Каримни ёд олган, ўн ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр туширишларида фаол иштирок этган.

Биринчи устози – ўз замонасининг машҳур билимдони, тафсир илмининг султони Имом Садриддин аталмиш улуғ зот билан Бухорои шарифда учрашиб, тафсир илмини мукаммал ўрганган, тафсир ўқиб: “Удъу раббасум тазарруъан ва хуфятан иннаҳу ла юҳиббу-л-муътадийн”, (“Аъроф, 55-оят”. Дуо қилинлар парвардигорингизга ёлвориб яшириб, албатта у ҳаддин ошгувчиларни дўст тутмас”) оятга етади. Хожа Абдулхолиқ ушбу оят мазмунига мувофиқ устозидан:

- Бу хуфянинг ҳақиқати ва йўли қандай бўлади?, – деб сўрайди.

Устоз Имом Садриддин: - Агар зикр айтувни баланд овоз билан ўқиса ё зикр қилаётган вақтда баланд, бирор аъзосини қимирлатса, ўзгалар бундан хабар топадилар. “Али-Шайтону ажрифи Ибн Одама мажра-д-дами”, ҳадисига кўра, шайтон ҳам ундан огоҳ бўлади. Бунинг моҳиятини тўла англаб етиш мушкул. Бу – илми Ладуний – илоҳий илмдир. Агар Ҳақ субҳанаҳу ва Таоло сизни бундан вақиф қилишини хоҳласа, албатта сизнинг олдингизга аҳлуллоҳ (ўз одамлари)дан бирини юборади ва у сизга таълим беради, - деганлар.

Ладуний илми ҳақида “Ғиёсул луғат”да шундай хабар бор: “Аллоҳ тало томонидан ато қилинган илм. Ундай илмга уриниш, саъй – ҳаракат, риёзат чекиш натижасида, Аллоҳ таоло хоҳласа, эришиш мумкин. Чунки бу аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларгагина насиб қилувчи илоҳий илмдир.

⁵ Ориф Усмон. Ҳазратнинг пиру муршидлари. //Халқ сўзи рўзномаси/ 1993й 13 сентябрь.

Ладуний илм учга бўлинади: ваҳий илоҳий, фаросат. Ваҳий – пайғамбарларга, илҳом - авлиёларга, фаросат – сўфийларга Аллоҳнинг изни билан берилади.

Имом Садриддин билан бўлган суҳбатдан бир неча муддат ўтгандан сўнг ҳизр алайҳисалом келиб, Абдулҳоликқа хуфия зикрдан таълим берадилар ва фарзандликка қабул қиладилар.

Хожа Абдулҳақ Ғиждувоний бутун ҳаётини Аллоҳ йўлига бағишлаб, фарз ва суннат амалларини бажариши каби улуғ ибодатда шуҳрат топди. Йигирма икки ёшида, Бухорои шарифда баланд мақом, бутун шарқ оламида машҳур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва тез орада шайхнинг муридига айланади. Юсуф Ҳамадоний Абдулҳолик қалбида Аллоҳ зикри борлигини билиб, сўфийлар жамоасига олиб киради.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқатлари – Зикри илоҳий – ошкора зикр эди.

Кунлардан бир куни Хожа Абдулҳолик Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларига Ҳизр алайҳисаломдан зикри хуфия – махфий зикр сабоғини олганлигини изҳор қилади. Шунда Юсуф Ҳамадоний: “Бир ва жоним алардин маъмур бўлибсиз, машғул бўлинг”, деб фатво беради.

Юсуф Ҳамадоний Абдулҳоликқа сўфийлик хирққасини кийгизган. Абдулло барқий хожа ҳасан Андоқий, хожа Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдларидирлар.

Хожа Абдулҳолик устози Хожа Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кутгунга қадар у улуғ зотнинг хизмат – мулозаматларида бўлиб, кўп илм ўрганади. Ўзини ибодату риёзатга машғул тутиб, бутун ҳаёти давомида “Рисолаи соҳибия”, “Рисолаи шайхуллиуён ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтар Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний” каби беш буюк асар битади.

Хожа Абдулҳолик устозининг таълимотини ҳар томонлама бойитиб, амалиётга зикри хуфияни олиб кирди ва хожаганлик тариқатининг саккиз рашҳа – қонун – қоидасини шакллантириб берди.

1 – рашҳа – Хуш Дар Дам – ичдан чиқаётган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, ғафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак.

2 – рашҳа – Назар Бар Қадам-назар доим оёққа бўлиши керак. Токи солиқнинг назари сочилмасин ва полозим жойга тушмасин.

3 – рашҳа – Сафар Дар Ватан-солик одамийликнинг табиатида сафар, яъни одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан ахиллик сифати томон кўчади.

4 – рашҳа – Хилват Дар Анжумандан олинган сабоқ шуки, солиқ дунёвий иш билан машғул бўлса-да, Аллоҳни унутмасин. Зеро, Ҳазрат Баҳоуддиннинг: “Дил ба ёру даст ба кор!” ишораларидан ҳам мақсад худди шудир. Кўнглинг Аллоҳ ёди билан, кўлинг меҳнат билан банд бўлсин. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тариқат одамлардан четлашишни, кишилар суҳбатидан қолишни тарғиб қилмайди, балки зоҳир томонидан одамлар билан ботин томонидан Аллоҳ билан бўлиши лозимлигини уқтиради.

5 – рашҳа – Ёдқард – бу зикри лисоний (тил зикри) ва зикри қалбийдир.

“Хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман рашҳалари”, “Ёдкард” га ўтиш учун тайёргарлик босқичи ҳисобланади. “Ёдкард” Аллоҳ зикрини қалбда нақшлашда асосий омилдир.

6 – рашҳа – Бозгай – шундайки, зикрни айтувчи тили ёки дилида калимаи таййибани айтганда: “Худовандо, менинг мақсудим сесан”, дейди. Бу бозгайи калима яхши ёки ёмон фикрларни одамдан ҳайдовчидир. У зикрни холис қилади, зикрни ўзга нафаслардан озод этади. Зикрни бошловчи бу бозгайи сўзларни айтаётган пайтда мабодо чин дилдан бўлмаётганини сезса ҳам, уни айтишни тарк этмасин бора-бора у чинакамига айланиб таъсири зоҳир бўлади.

7 – рашҳа – нигоҳдошт – ҳар хил фикрлардан холос бўлиши, ташқи оламдан ажралиши учун интилиш бўлиб, калимаи тоййибани бир нафасда неча марта айтса, ўша пайтда хаёлни бошқа нарсалардан халос қилиши керак.

8 – рашҳа – Ёддошт – шундайки, ундан мақсад Ҳақ субҳонаҳу ва таолони доимо завқу шавқ билан ёдда тутиб, огоҳ бўлишидир. Баъзилар уни Ғойиб бўлмайдиган Ҳузур деган ибора билан ҳам атайдилар. Баъзи ҳақиқат аҳлининг назарида у шундай бир мушоҳададурки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло муҳаббати кўнгилни тамоман қамраб олади, бу эса ёддоштининг ҳосил бўлишидан даракдир.

Хожалар аҳлининг хожаси Абдул холиқ Ғиждувоний 1179 йилда, 76 ёшида вафот этган. Қабри Ғиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний мозори онасининг оёқ томонида. Вақтийн замонда зиёратгоҳ ёнида чиллаҳона, шунингдек қирқ зинали нарвон ҳам бўлган. Ҳозир чиллаҳона, нарвон йўқ, лекин тошқудук бор.

Бутун дунёга машҳур Нақшбандия тариқати хожагонликдан униб ўсган. Шу боис уламолар ул бўган зот Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга Сарҳалқай силсилаи Нақшбандия деб таъриф берадилар.

Валийуллоҳ Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан сўнг бу ворислик Хожа Ориф Моҳи Табан Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рементаний, Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Ибн Саййид Жалолиддин Нақшбанд каби ўз замонасининг машҳур шайхлари томонидан давом эттирилган ва бу таълимот бутун дунё халқлари ўртасида сўнг шуҳрат қозонган.

Хожа Лангар Ато ва Хожа Сўфий чўян каби мўътабар зотлар Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муридлари ҳисобланган. Хожа Лангар Ато қабри айни замонда ҳам зиёратгоҳдир.

Ҳазрати Нақшбанднинг иккинчи маънавий етакчиси Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийдир. Бу мўътабар зот Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи шогирди бўлиб, “Хожагон” тариқатига асос солган. Бу тариқат бир асрдан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан такомиллаштирилиб, унинг номи билан “Нақшбандия” деб ҳам атала бошлаган. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосий мақсадини ифодаловчи “Даст бакор, дил баёр!” ҳам биринчи марта XIII асрда Абдухолиқ Ғиждувоний томонидан айтилган экан. Бу ҳақда Мавлоно Фаҳруддин Али-ас-Сафийнинг Рашахот айн-ул-ҳаёт” (ҳаёт булоғидан оққан томчилар) асарида шундай ёзилган: “Миформудандки, ҳазрати Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний (қ.с.) фармуданки, гроний аз халқ барми

бояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст бакор, дил баёр дар тариқи Хожагон (қ.с. арвоҳам) амри муқаррар аст”. “Рошаҳот” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг оғзидан айtilган 23-рашҳа (панд-насиҳат) сифатида келтирилган юқоридаги жумлаларни мазкур асарнинг ўзбекча, туркча ва татарча таржима нусхаларида шундай ёзилган: “Айтур эдиларким, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний (қ.с.) айтибдурларким, халқдин оғирлик кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб билан даст бакор ва дил баёр, деган сўз Хожагон (қ.с. арвоҳам) тариқатларида амри муқаррар турур”.

Хожагон (Нақшбандия) таълимотининг туб моҳиятини очиб берадиган куйидаги:

Дари хилват банду, бари

суҳбатро кушон,

Дари шайхиро банду,

дари ёритро кушой.

(Хилват эшигини ёпиб, суҳбат эшигини оч, шайхлик эшигини ёпиб, ёрлик дўстлик эшигини оч) байти ҳам Ҳазрати Абдуҳолиқ Гиждувоний томонидан айtilган.

Абдуҳолиқ Гиждувоний хазратлари одамларни поклик, тўғрилиқ, ҳаллолиқка бошлаган. Ўз шогирдлари учун одоб-ахлоққа бир нечта қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Унинг “Рисолаи Соҳибия”, “Рисолаи тариқат”, “Васиятнома”, “Маслак ал орифин”, “Мақсад ас-солиқин”, “Аз суфар Хожа Аҳмад Абдуҳалил Гиждувоний”, “Мақомат Хожа Юсуф Хомадоний” каби китобларида илму одоб, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дин ва дунёвий муносабатлар тўғрисида фикр юритилган.

Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур” (“Раъу” сураси, 28-оят).

Яхшилик (эхсон)нинг мукофоти яхшилик (эхсон)дир (Ар-Раҳмон” сураси, 60-оят).

Эзгулик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва адоват йўлида ҳамкорлик қилманг. (“Монда” сураси, 2-оят).

Нақшбандия тариқати тарафдорлари ва ушбу таълимотга мўътақид бўлган миллионлаб мухлислар орасида ғоятда машҳур бўлган юқоридаги байтда ҳамдамлик, ҳамдардлик, меҳр-шафқат, ёрлик-дўстлик ва биродарлик каби энг муҳим, долзарб, умумбашарий ахлоқий кадриятлар тўғрисида сўз боради.

Юқорида биз тариқатдаги тўрт қоидаси Юсуф Хамадонийга, тўрт қоида Абдуҳолиқ Гиждувонийга, учтаси эса Нақшбандийга тегишлиги ҳақида айтиб ўтган эдик.

Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний руҳларининг Баҳоуддин Нақшбандга қандай тарбия бергани ҳақида матбуотда кўп ёзилган. Баҳоуддин силсилада ҳам бевосита Абдуҳолиқ Гиждувонийга бориб тарқалади. Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг муриди Хожа Ориф Ревгардий, муриди Хожа Ромитаний, унинг муриди Хожа Муҳаммад Бобоий Самосий, унинг муриди Саййид Амир Кулол ва Саййид Амир Кулолнинг муриди Баҳоуддин Нақшбанддир.

Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедийнинг “Катир ул-фавоид” рисоласида Абдуҳолиқ Гиждувонийгача бўлган силсила ҳам бир-бир баён

этилади. Шунинг учун тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат каби, нақшбандия ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоб ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бутун моҳиятини белгилаб турадиган мавжуд ўн бир қоида Юсуф Хамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандлар томонларидан асосланган.

Юсуф Хамадоний таъйин этган шиорлар:

1. Хуш ҳар дам.
2. Назар бар қадам
3. Сафар дар ватан.
4. Хилват дар анжуман.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний таъйин этган қоидалар:

1. Ёдкард.
2. Бозгашт.
3. Нигоҳдош т.
4. Ёддошт.

Бу саккиз қоидага Баҳоуддин Нақшбанд яна уч шиорини қўшадилар:

1. Вуқуфи замоний.
2. Вуқуфи ададий.
3. Вуқуфи қалбий.

Бу шиорлар, қоидалар кейинги йилларда чоп этилган кўпгина мақолалар ва рисоаларда шарҳланди. Мазкур шиорлар, аслида солиқларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалардир. Аммо уларнинг яна қанчадан қанча рамзий, тасаввуфий, ҳаётий маънолари ҳам бор.

2. Нақшбандия тариқати

Нақшбандия таълимоти асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг Хожа Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор туфайли бизгача етиб келган қарашлари ётади. Бу ғоя қарашлар “Мақомати Нақшбандия” деб номланиб, нақшбандиянинг ҳамма шаҳобчалари учун асос бўлиб қолди. Бундан ҳокимиятга нисбатан муносабат мустаснодир. Хожа Аҳрор давридан бошлаб эса нақшбандия ҳокимият эгалари билан яқин муносабатда бўлиш орқали “уларнинг қалбига ҳукмрон бўлиб”, улар сиёсатига таъсир кўрсатиш билан халқ манфаатини ҳимоя қилиш нафақат мумкин, балки мажбурий деб билинди. Мана бу нақшбандияни ажратиб турган сиёсий фаоллиги даражасидир.

Нақшбандиянинг дунёқараши тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги икки тариқати: Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотида акс этирилган шаҳарликларга хос “ўртача” йўл ва Аҳмад Яссавийнинг кўчманчи “туркий халқлар”га хос йўлини бирлаштириш ва ҳаётга мослаштиришдан иборатдир. Нақшбандиянинг сулуқи (худога яқинлашиш йўли) ўнта мақом (даража)дан иборат. Тариқат аъзоси бу мақомга унинг ўн битта ахлоқий қоидаларига тўла амал қилган ҳолдагина етишиши мумкин. Сўфий худога етишиши даражаси маънавий-руҳоний мураббий орқали амалга ошади. Бу мураббий шайх, муршид (йўлга солувчи) ва пир номлари билан юритилади.

Нақшбандия амалиётининг асосий қисми ичида, яъни қалб билан махфий зикр қилиш (Аллоҳ номини эслаш такрорлаш)дир. Бу тариқат кўпчилик афзал ҳисоблайдиган овоз чиқариб (жаҳрий) зикр қилишдан фарқ қилади. Махфий зикрни пайғамбаримиз ғорда у киши билан бирга бўлган Абу Бакрга ўргатганлар, овоз чиқариб зикр қилишни эса ҳазрати Алига айтганлар. Шу боис, Нақшбандиянинг баъзи жамоаларида кейинги зикрга ҳам йўл қўйилади.

Нақшбандия таълимотининг бошқа бир таркибий қисми суҳбат – муршид билан мурид ўртасидаги хилватда учрашиш – саралашиш бўлиб, бу энг юқори руҳий даражада ўтади. Ниҳоят муршид ва мурад ўртасидаги яқин муносабат таважжуҳ муршиднинг муридга назар ташлаш ҳар икки томон фикрларининг бирлашиши билан намоён бўлади. Бу аввал улар орасидаги маънавий-руҳий алоқани, кейин эса муршид ва муриднинг маънавий кўшилиб кетишини вужудга келтиради. Камолотга етишган муридга муршид ўз ҳирқа (жанда) сини ечиб беради. Нақшбандия аъзосининг руҳий-жисмоний тайёрлиги, чиниқиши ва фақат танани ўлдириш ва тана руҳини “айланиб юриш”да эмас, унинг маънавий покланиши ва қалбни сайқаллаб тозалаш, тарбиялаб чиниктиришидадур.

Нақшбандиянинг асосий йўли жон-жаҳд билан ҳаққа етишга интилиш, ичида хуфя зикр қилиш (Аллоҳ номини эслашни қалбга муҳрлаб, қалбда ифода этиш) ҳақиқий сўфийни четга чалғитадиган риёкорона художўйлик ва расм-русумларни: қирқ кун рўза тутиш, дайдилик, қашшоқлик, зикр қилишда мусиқа чалиш, ашула ва рақсга тушиб, ошкор зикр қилиш (самоъ) ва овоз чиқариб (жаҳр) зикр қилишни Нақшбандия инкор этади. Тариқат раҳнамосига, унга асос солган авлиёларга, улар хоки ётган мазорларга сиғиниб, улардан баракот ва мадад сўраш фойдасиз, деб санайди, чунки ҳар қандай баракот ва мададни фақат Аллоҳгина беришга қодир, унинг бандалари бунга қодир эмас, руҳий покланиб, манфаатпарастлик, манманлик, кибрликдан тамом воз кечиш, ихтиёрий фақирлик, ҳокимият билан бутунлай муносабатни узиш (Хожа Аҳрордан кейин мамлакат сиёсий ишига аралашишга қисман йўл қўйилган)ни тарғиб қилади.

Сўфийлар подшоҳ-ҳукмдорлар берган совға-ҳадяларни олмаганлар. Сўфийлар пайғамбар алайҳиссалом чаҳорёрлар ва саҳобаларнинг ҳамма суннатлари ва ислом шариатининг тамом қонун-қоида, йўл-йўриқларига тўла риоя қилишлар ва уларни амалга оширишлари керак. Мана шулар нақшбандия тариқатининг асосий талаби эди.

Умуман, Нақшбандия тариқатининг моҳиятини: “Дил-ба ёр-у, даст ба кор!” шиори очиб беради. Бу, кўнгил Худога бўлсин-у, қўл ишда, деган маънони билдиради. Мавжуд ўн бир шиорнинг кўпи ҳам моҳиятан ана шу бош ақидадан келиб чиқади. Бу қоидаларга амал қилиш солиҳларнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат қилиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Демак, шиорларнинг тор маъносига зикр тушиш билан боғлиқ. Бу ақидаларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга ҳам эгаки, сўфий нафақат зикр пайтидагина, умуман, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Энди Нақшбандиянинг бош шиори ҳақида икки оғиз сўз. Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб

туради. Айтиш мумкинки, нақшбандия тасаввуфдаги илгариги ўта қаттиқ оқимни бир оз юмшатди, мўътадиллаштирди. Чунки нақшбандия бевосита касбу кор кишиларига – шаҳарликлар, хунармандлар, зиёлилар, ўтроқ ҳолда кун кечириётган деҳқонларга мўлжалланган эди. Бундай иш одамлари эса тирикчиликларидан воз кечиб, тариқат билангина машғул бўлсалар, уларга ҳеч ким ўз-ўзидан бир бурда нон келтириб бермас эди.

Тасаввуфдаги кўп тариқатлар тартиб-қоидасига кўра, зикр тушиш жамоа бўлиб, баланд овоз, яъни жаҳрия усули билан амалга оширилади. Баъзи тариқатларда зикр тушишнинг самоъ усули ҳам бўлган. Бунда муайян куйга ҳамоҳанг кўшиқ айтиб зикр тушилади. Нақшбандияда зикри жаҳрия ҳам, зикри самоъ ҳам йўқ. Нақшбандиянинг ҳаётга яқинлашганлигига далил бўлувчи жиҳатларидан бири шуки, бу тариқат қоидасига биноан, ёлғиз ва ҳатто ботинан, яъни овоз чиқармай, бировга билдирмай зикр тушиш мумкин.

Нақшбандия ахлоқий таълимотида ҳурфикрликка кенг йўл берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати билан топилган бойлиги ҳалол бўлиши, ноз-неъматларини кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшилиқни раво кўриш ғоялари илгари сурилган.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф тариқатининг ахлоқий тизими аввалги тасаввуфчилардан биров фарқ қилади. Нақшбандия таълимотида инсон табиат неъматларидан лаззатланиши, аммо бу лаззат ҳисси Аллоҳни эсдан чиқаришга, у дунёни унутишга хизмат қилмаслиги, инсон ботиний (ички) Ҳақ-Аллоҳ билан, зоҳирий (ташқи) халқ билан бўлиши, инсон ҳаётни, табиатни севиши лозим, деб тушунтирилади. Сўфий Ҳақ билан ботинан шундай муносабатда бўлсинки, халқ уни Ҳолик билан ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ деб фикр юритсин. Сўфийнинг бу хатти-ҳаракати восилликка, фонийликка, Аллоҳ билан кўшилиш ваҳдатга ҳалал бермайди.

Энди юқорида эслатиб ўтган тариқатнинг тўрт тамойилига тўхтасак:

1. ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН: нақшбандия таълим берадики, инсонлардан холи хилватда яшашда, ёлғизликда офат бордир. Жамоага уюшиш, суҳбат–анжуман куриш ва кўпчилик билан алоҳида мулоқотда бўлиш керак. Бирлик ва ҳамжиҳат яшашнинг асосий шартларидан бири-ўз қўл кучи, меҳнати билан ҳалол ризқ-рўз топиб кун кечириш, тирикчилик қилишдир. Бу ҳолат қул сақлаш, хожа бўлиш, ўз манфаати учун ўзга меҳнатидан фойдаланишни истисно этади. Қул бўлишлик, хожалик бандликка тўғри келмайди. Ҳамма Аллоҳнинг қули, хизматкори, Хожа эса биргина Аллоҳдир. Ибодат ўн жузь бўлиб, унинг тўққизтаси биров меҳнатисиз ҳалол ҳаёт кечиришдир. Бундай яшашга нимаики ҳалал берса, ундан воз кечиш керак, мухтожларга ёрдам бериш ҳам тақво ибодат бўлиб, у нафл намоз, нафл рўзадан афзалдир.

Тариқат аъзолари бу қоидаларга қаттиқ амал қилишар, ўзлари деҳқончилик қилишар, бир-бирларига ёрдамлашишар, ўз қўл кучлари билан топилган нарсаларни истеъмол қилар эдилар.

“Дил ба ёру, даст бакор” (Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) шиори бу сулукдагилар ҳаёт фаолиятининг мазмуни бўлган.

... Абул Ҳасан Муҳаммад Боқир бинни Муҳаммад Алининг “Мақомати Нақшбандия” асарида шундай ривоят келтирилган: бир кун Ҳирот подшоши Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбандни меҳмондорчиликка чорлайди. Ўзи хоҳламаган тарзда мажбуран шоҳ хузурига борган шайх дастурхонда бисёр ноз-неъматларни кўради. Шайх уларга бепарво ўтираверади. Таомлардан тановвул этишни Шайхдан ўтиниб сўрайдилар. Бир туз тотмаган Шайх охирида айтадики, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман, чунки бу таомлар ҳақсизлик билан топилган, подшонинг ўз меҳнати, қўл кучи билан яратилмаган, улар ҳалол эмас.

2. САФАР ДАР ВАТАН. Баҳоуддин Нақшбанд ахлоқий таълимидаги бу рукннинг маъноси шуки, сўфийлар бир ерда, хилватда, узлатда эмас, дунёни сайру саёҳат қилиш, Аллоҳ яратган гўзалликларни кўриб, унинг қудратини томоша қилиш лозим. Сайру саёҳатда инсон онги ўсиб, Аллоҳ мўъжизаларидан огоҳ бўлади.

3. НАЗАР ДАР ҚАДАМ. Бу рукн таълимида инсон ҳар бир қадамни ўйлаб, фикрлаб босиши, бир иш қилишда ҳар бир хатти-ҳаракатни мулоҳаза, мушоҳада қилиб кўриши, сўнгида пушаймон бўлмаслиги, бахтсизлик, ғам-аламга ўз ихтиёри билан юз бурмаслиги ҳақида сўзланади.

4. ХУШ ДАР ДАМ. Инсоннинг бу дунёси муваққатий, умри ўлчанган, вақти ғанимат. Бу ҳаёт ноз-неъматлар маскани. Табиат ўйноқи, ур-карашмали. Ҳаёт азоб-укубатларга ҳам тўла. Инсон ҳаёт қийинчиликлари қаршисида қанот синдирмасдан, сабр-бардош билан, куч сарфлаб, унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиши лозим. Бунинг учун инсон фаолияти ҳаракатда бўлиши керак. Бадан тансиҳатлиги, кўнгил зорига қулоқ тутиш, ҳар ишни тажрибада синаб кўриш, оз сўзлаш, кам ейиш, тежамкорлик, нафсини жиловлаш каби инсон ахлоқий хатти-ҳаракатларига ўзи ҳоким бўлиши лозим.

Алишер Навоий ҳам бу қоидаларни эъзозлаб, “Насоим-ул муҳаббат”, “Садди Искандарий” асарларида нақшбандия тариқатининг бу руҳий-ахлоқий жиҳатларига юксак баҳо берган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан мерос сифатида қабул қилган ва бемисл истеъдоди билан ривожлантириб, тариқат қоидаларига айлантирган усул ва рукнлар пайғамбар суннатига мувофиқ бўлиб, суннатга хилоф бўлган расм-русумлар, одатлардан тасаввуфни тозалашга хизмат этади. Чунончи, “Хилват дар анжуман”, яъни “жамоа ичра хилват” руҳини олиб кўрайлик.

Ҳазрати Хожа буни яна аниқлаштириб, “Дар зоҳир бо халқу да ботин Ҳақ” (Зоҳирда халқ билан, ботинда эса ҳақ билан) деб таърифлайдилар. Кўриниб турибдики, илгари тасаввуф аҳли орасида ҳамма вақт бир-бирига зид тушунчалар сифатида қўлланиб келинган халқ ва ҳақ, халқ ва ҳолик, хилват ва анжуман, зоҳир ва ботин бир-бири билан келиштирилган. Худо васлига етишиш учун жаҳд этган солиқ халқдан ажралиб, мазоратлар, ғорларда работу ҳонақоҳларга чилланиши бўлиши, оила – фарзанд, дўст ёрлардан воз кечиб, буткул тарки дунё қилиши керак эмас. Одамлар билан бирга бўлиб ҳам халқ ёди билан яшаб, қалбни поклаш мумкин.

Баҳоуддин ҳазратларининг ўзлари, шунингдек ул жанобнинг пирлари Бобой Самоси, Саййид, Амир Кулол, Қусам шайх, тариқат биродарлари,

шогирд ва халифалари мунтазам равишда фойдали меҳнат билан шуғулланганлар: деҳқончилик ва боғдорчилик қилганлар, ҳар бирининг бир ҳунари бўлган, ҳазрати Нақшбанд маноқибида дарвешлар хашар йўли билан кўрғон ва работлар кўрганликлари ҳикоя қилинади. Али Сафийнинг “Равшахот” асарида келтирилган ва ҳазрати Баҳоуддинга нисбатан бериладиган “Даст бакору дил ба ёр” (Кўл ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин) шиорини талқин этиш давомида, ушбу таълимотнинг шаҳар хунармандлари руҳига мослиги таъкидланади. Бу ҳам бир жиҳатдан тўғри фикр.

Турон заминининг қадимги маданий шаҳарлари аҳолиси сунний мазҳабининг мустаҳкам ва мустақил давомчилари бўлгани учун нақшбандия шу ерда илдиз отиб ривожланди. Ҳазрати Баҳоуддиннинг хизматлари яна шундан иборатки, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳли, тўғрироғи, қадимий ўтроқ маданиятли халқлар билан кўчманчи чорвадор халқларни ҳам ўзаро бирлаштира олди.

Бундан ташқари, нақшбандия ўзбек ва тожикларнинг маънавий-руҳий яқинлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилди. Бу яқинлашув Амир Темур даврида, яъни XIV-XV асрларда тарихан шаклланиб, ягона рух, ягона миллий маданият ва маънавият хусусиятини олган эди. Айнан шу даврда турку тожик шайхларининг ўзаро муносабатлари тобора кучайиб борган.

Муҳаммад Боқирхоннинг “Маноқиби ҳазрати Нақшбанд” номли рисоласида келтирилишича, Баҳоуддин Нақшбанд Қаршига бориб, Қусам шайх билан учрашиб, унинг ишончини қозоган ва тарбиясини олгач, устози унга қараб: “Энди сен турку тожикка раҳнамо бўласан”, - дейди. Бундан олдин Амир Кулол Баҳоуддинга талқини зикр ва суҳбат таълимини бериб бўлгач, “Турку тожик машойихларидан кимни хоҳласанг, хузурига бориб баҳраманд бўлиши мумкин”, деб айтганди.

Рус олими В.Л. Гордлевскийнинг фикрича, Баҳоуддин туркларнинг қадимий шомоний тасаввурларидан ҳам яхши фойдаланган. Ҳазрати Баҳоуддин ҳикоя қиладиларки, валийлик нишонлари менда пайдо бўлган дастлабки кезларда туркнинг улуғ машойихларидан, Ҳоким ота Раҳматуллоҳ (Сулаймон Боқирғоний)ни тушимда кўрдим, ул киши мени бир дарвешга топширдилар. Ул дарвешнинг сурати хотирамда қолди, уйғониб тушимни бувимга айтдим. Бувим дедилар: “Эй фарзанд, у турк машойихидан сенга насибалар етгай”. Баҳоуддин тушида кўрган дарвешни ўнгида кўриш иштиёқида юради ва бир куни уни Бухоро бозорида учратиб қолади. Улар бир-бири билан топишиб, дўстлашиб кетадилар. Бу дарвеш Ҳалил ота эди.

Ушбу воқеа икки нарсадан далолат беради. Бири Баҳоуддиннинг ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига таважжуҳи бўлса (чунки Ҳалил ота Аҳмад Яссавий авлодларидандир), иккинчиси давлат мафкурасига айлантириш, аниқроғи, шоҳу дарвеш орасидаги мухолафатни олиб ташлаб, уларни бирлаштириш учун ҳаракат қилганидир. Баҳоуддин Ҳалил ота билан юриб, унинг каромат ва мўъжизаларининг шоҳида бўлади, жумладан, биринчи учрашувдаёқ Баҳоуддин кўрган тушини айтмоқчи бўлганда, Ҳалил: “Сенинг хотирангда нима кечган бўлса, бизнинг олдимизда аёндир”, - деб айтади, шу боис Баҳоуддин унинг хизматида бўлади.

Дарвешнинг тахтда ўтириши, мамлакатни идора қилиши ҳамда мурид тайёрлаши Ҳалил ота мисолида шоҳу дарвешни бирлаштириш мумкинлигини исботлаган бўлса, Баҳоуддиннинг унга ҳурмат бажо келтириши тасаввуф ҳукмрон бўлган салтанатни вужудга келтириш мумкинлигини кўрсатади. Бу подшоликнинг қандай сиёсат юритгани ҳақида маълумотлар жуда оз, аммо шу нарса аниқки, Ҳалил ота ушбу шоҳликни худди дунё каби “мижозий”, фоний деб билган барчага ҳақ ризоси асосида муомала қилган “Мижозий мамлакат” шоҳлиги завол топиб, Ҳалил ота вафот қилганидан сўнг, Баҳоуддиннинг кўнгли ҳам “дунё ишларидан батамом совийди”.

Шуларнинг таъсирида бўлса керакки, Баҳоуддин Нақшбанд назарида шоҳу гадо баробар эди, шоҳлар олдига бош эгиб келганда, уларга айрича илтифот кўрсатмади, шоҳлар дуосига кўтарилган кўли гадоларга ҳам “тожбахш” бўлди. Нақшбандия мана шундай улуғ бирлаштирувчилик, қавмлар, табақалар ва тоифаларни ягона сунний йўлидаги сўфиёна мафкура асосида жипслаштириш ишини амалга оширди. Айни вақтда бу ҳол тасаввуф таълимотини “демократлаштириб”, омма орасига чуқурроқ сингишига замин ҳозирлади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдуҳолиқ Гиждувонийдан қабул қилиб олган “сафар дар ватан” (ватан ичра сафар), “хуш дар дам” (нафасда хушёрлик), “назар дар қадам” (назарни қадамдан узмаслик) каби қоида талаблари “хилват дар ажуман” қоидасини ҳаётга татбиқ этиш усуллари эди. Чунки одамлар орасида ботиний хилватни таъминлаб туриш учун инсон ўз-ўзини доимий равишда назорат қилиб туриши керак. “Ватан ичра сафар” – руҳининг ўзи асли томон сафари, яъни сайрул филоҳ. Гарчи бу қоида яшаган жой билан ошнолик ўз халқи, қавмини ўрганиш, унинг аҳволидан хабардор бўлиш ва ўз қавмига раҳбарлик руҳини мураббийлик қилмишини назарда тутса-да, бироқ биринчи маъно истисно этилмайди.

Ҳар икки маъно ҳам солиҳ аъмолининг қандай давом этаётганини кузатиш, натижани баҳолашга ишора этади. “Назар дар қадам” – фаолиятни тадқиқ этиш, қилаётган ишлари, ҳаракатининг суннатга мувофиқлигини текшириб туриш ва қадамни ёмон жойларга қўймасликка интилишини англатади. “Ёдҳард” (ёдлаш), “бозгашт”, (такрорлаш, янгидан бошлаш), “нигоҳдошт”, (эсда сақлаш), “ёддошт” (эсдалиқ, эслаб қолиш) талаблари эса (зикри ҳафий) деб номланмиш яширин зикрга тегишлидир, яъни зикрни назорат қилишдир. Чунки зикрдан мақсад – Аллоҳ номларини қуруқ қайтаравериш, тилда айтиб, дилда бошқа нарсани ўйлаш эмас, балки бу номларни дилда нақшлаб, муҳрлаб олиш учун жидду жаҳдир. Ҳар бир солиҳ зикр қанчалик уни Аллоҳ сифати ва зотига яқинлаштирганини ўзи назорат қилсин ва агар ўзи уддалай олмаса, пир буни текшириб аниқласин. Нақшбанднинг халифаи кибори Алоуддин Аттор дейди: “Бу замонда, хофи зикри билан машғулдирлар, қалбдан эмас ошқозондан айтадилар”. Баҳоуддин Нақшбанд таълим берадиларки, солиҳ ҳамиша ўз ботиний аҳволининг таҳқиқи пайдан бўлсин, назорат ва хофизу ҳисобни текшириб туришни қанда қилмасин. Алоуддин Аттор пирларининг фикрини давом эттириб, хатар ботинда ўрнашиб қолмаслиги учун, яъни дунё меҳри дилни банд этмаслиги учун киши ўзини кузатиши, нафас орқали бўшатиб

туриши керак, деб айтади. Шунда ирода – ихтиёр қайси томонда экани маълум бўлади. Киши қанчалик ботинга сафар, қилса шунча ўзини англайди, зотан ўзинга кетиш – ўздан кетиш демак. Айни пайтда ўзинга қараб боришдир ҳам. Чунки ўзликни тарк этмоқ ўзини танимоқдир. Ўзингдан бегонаю, Ҳаққа ошнолик, ўзингдан ғойибу Ҳаққа ҳозирлик шу таҳлит кўлга киритилади.

Баҳоуддин Нақшбанд илова қилган “вукуфи замоний” (муайян муддатда тўхтаб, ўз-ўзини текшириш), “вукуфий адодий” (зикр ҳисобини аниқлаш учун тўхташ) ва “вукуфи қалбий” (қалб аҳволини билиш учун тўхташ) тамойиллари ҳам яширин зикрни мустаҳкамлаш ва кузатиб, натижасини билиш учун жорий этилган. Ҳазрати Нақшбанд зикр талқинига шунчалик эътибор билан мухлислардан сурункали зикрни талаб қилган эмаслар. Бу ўринда қуйидаги ҳикоят ибратлидир: “Баҳоуддин Нақшбанд Хуросонга сафар қилганда бузрукзодалардан бирига зикр таълимини дегандирлар. Ул сафардан қайтганда аларга дебдирларки, ул таълим олган зикрга иштиғол кўрсатмайдур ва тарк қилибдур”.

Шундан кейин Баҳоуддин ҳалиги одамни учратиб, “Бизни ҳеч туш кўрдингизму?”, - деб сўрайдилар. Ул одам “Ҳа, кўрдим” деб жавоб беради. Шунда ҳазрати Нақшбанд: “Шул санга басдур” дейдилар. Бу ҳикоят Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида келтирилган. Навоий шундан кейин “Мундин маълум бўлурки, ҳар кимгаки оз робитан азизлар била бўлса, охир мулҳақ бўлур”, - деб ёзади. Яъни, азизлар билан озгина алоқада бўлган одам, агар сидқи дилдан ихлос этган бўлса, Ҳаққа мушарраф бўлади. Нақшбанднинг сўзларидан ихлос ва сидқу садоқатга эътибор қилингани ва қонун-қоида талабларига кўр-кўрона эргашмасдан, моҳиятга қараб иш тутиш, ботиний ўзгаришга эътибор қилиш муҳимлиги сезилиб турибди.

Алоуддин Аттор ҳам сурункали зикр тарафдори бўлмаган. “Мақсад кўп айтиш эмас, - деб таъкидлайди у киши, - Бир нафас давомида уч марта ўнг томондан бошлаб юрак устига қараб “Ла илаҳа иллоллоҳу” ва чапдан қараб “Муҳаммадур расулуллоҳ” дейиш кифоя”.

Нақшбандия таълимоти бўйича, сўфий ҳамма вақт бедор ва хушёр, ўздан ва атрофидагилардан бохабар бўлиб туриши керак. Бўлмаса у ўз-ўзини назорат қилолмайди, ўзидаги сифатий ўзгариш, камолотини англамаслиги мумкин. “Хилват дар анжуман” тамойили шуни тақозо этади. Бу фикрни Нақшбанднинг Жунайд Бағдодий сўзларига эътимоди ҳам тасдиқлайди. Жунайд Бағдодий тасаввуф тарихида “сахв”-“хушёрлик” йўлини ёклаган ва Боязид Бистомийнинг “сукра”- бехудлик концепциясига қарши борган машҳур шайхдир. Боязуд Бистомий фикрича, сўфий то ўзини унитиш даражасига бориб етмаса, яъни руҳий тараққий этиб, халқни, дунёни буткул эсдан чиқариб, Худо ёдида масту девони бўлмаса, фоний бўлолмайди ва ҳақ висолига эришолмайди. Шу мақсадда “сукра” чилар самоъ мажлислари уюштирганлар, жазавага тушиб, ўзларини йўқотиб, кийимларини йиртиб ташлаганлар. Жунайд бу равияни динга ва инсон шани, тафаккурига зулми деб, ман этган. Сўфий ичидан маърифат дарёси тошиб, туғён мавж урганда ҳам хушини йўқотмасдан туриши керак, шунда у ҳақиқат асрорини янада кўпроқ кашф этади ва бу дурларни ўз суҳбатдошларига тухфа қилади. Назарида, “хуш дар дам” рукни айни ана шу

концепцияни ривожлантиради. Жунайд Бағдодийнинг “хушёрлик” концепцияси Баҳоуддиннинг барча ғояларига мос бўлиб, шариат талабларига ҳам жавоб берар, фикр ҳикматининг ошкор этишга кўмаклашарди. Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳар лаҳзада иймон учун курашиши керак, “табиий вужудни нафратлаб”, ҳақиқий маъбуд исботи учун интилноғи лозим, деган фикрни баён этар экан, Жунайднинг қуйидаги фикрига суянади. Жунайд деган экан: “Олтмиш йилдирким, иймон келтирамен ва вужуднинг нафрати мен учун тариқатдир, лекин фақат ихтиёрини тарк этиш ва қусурларни кўриш билан аъмол ҳосил бўлмайди”. Қусурларни кўриш билан кифояланмасдан, улардан қутилиш йўлини қидириш лозим. Қусур эса масувога боғлиқликдир. Мосуво, Жунайд тилидан келтирилган байт:

*Они дунё солиқ йўлида,
Қалин бир парда кабидир.
Тааллуқ хижобасту беҳосили,
Чу пайвандҳо бигсили – восили.*

Кўринадики, сўфийнинг иймони оддий мўъмин иймонидан фарқ қилади. Сўфий учун иймон фақат тилда Аллоҳнинг якка – ягоналигини тан олиш, унинг пайғамбари, китоблари, қиёматига ишонишигина эмас, балки доимий равишда вужуд пардасини бартараф қилиб, асл моҳият томон интилиш ҳисобланган. Баҳоуддин дейдилар: “ҳақиқат, аҳли иймонга бундай таъриф берганлар: ҳақиқий иймон дил Ҳақ субҳанахуга пайванд этилгандагина ҳосил бўлади, барча манфаатлари узилса ва қалб аҳли – тугуни пайдо бўлса, иймон ҳам мустаҳкам бўлади”.

Баҳоуддин Нақшбанд Жунайд Бағдодий сулукига рағбат билдирган, чунки бу сулуқ иймон тозаллиги, сокин ва осойишта сўфийлик шароитига таянган фақирликни тарғиб этарди. Шунинг учун Васлий Самарқандийнинг “Назмус силсила” асарида Нақшбандия силсиласини Боязид Бистомийга олиб бориб боғлашини янгилаш ҳол деб билмоқ керак. Билъакс, Нақшбандия сулукини Жунайд Бағдодий тариқатига улаш маъқул кўринади. Буни яна шу ҳам тасдиқлайдики, Жунайд каби Нақшбанд ҳам суҳбат таълимини жуда қадрлаганлар. Суҳбат таълими хофий зикр усулига ва “анжуман ичра хилват” талабига мосдур. Суҳбат самоъ ва зикрий жалони рад этади. Баҳоуддин ҳазратлари демишлар: “Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат”.

Суҳбат – хилват – жамият. Яъни номувофиқлар мувофиқлиги бир – бирига зид тушунчаларни мослаштириш. Хилватдан мақсад якка бўлиш, яъни Аллоҳ билан бирга бўлиш демек. Икки киши бир жойда бўлса, бу хилват эмас, балки жамиятдир. Шу билан бирга суҳбат камида иккита одам бўлишини тақозо этади. Хўш суҳбат бўлгандан кейин, хилват бўлиш мумкинми? Агар суҳбатдошлар суҳбати ирфон мавзуда бўлса, агар уларнинг баҳс–мунозараси ҳақнинг ҳақиқатига яқинлаштира, демек бундай анжуман хилват ўрнини боса олади. Чунки хилватдан мурод маърифатдир, суҳбатдан мурод ҳам илоҳий маърифатдир.

Нақшбанд жанобларининг суҳбат ҳақидаги фикрлари яна шуниси билан муҳимки, унда пиру мурид суҳбати бошқача айтганда, бири насиҳат қилиб,

иккинчиси сўзсиз кулоқ соладиган суҳбат эмас, балки ҳақиқий орифона тортишув назарда тутилган. Яъни мунозара ва фикрий-шуурий далил-исбот билан ҳақиқатни аниқлаш, сўфиёна ботиний чарақлашларни бир-бирига туташтириш, бир-биридан баҳраманд бўлиш. Суҳбатда агар тариқат солиқлари бир-бирлари билан суҳбатлашсалар, бунда “Хайру барака кўп” дейдилар шайхи бузруквор офат ва офатда шуҳрат деганларининг маъноси шу.

Ҳазратнинг қуйидаги фикрлари ҳам муҳимдир. “Толиб ҳақ таоло дўстларидан бўлган дўсти билан суҳбатлашар экан, ўз ҳолидан хабардор бўлсин ва суҳбат замонини ўтган замонлар билан қиёсласин. Агар тафовут кўрса, ул азизнинг суҳбатини ғанимат билсин”. Ҳазрат айтмоқчиларки, солиқ суҳбатдошнинг фикрини диққат билан кузатса ва агар унинг гаплари янгилик бўлса, ундай одам билан суҳбатни давом эттирсин. Баҳоуддин бу ўринда ҳам ўз аҳволдан воқиф бўлишини алоҳида таъкидлаганлар. Демак, суҳбат хушёр ва заковатли одамлар иши, беҳуда, “девони”га суҳбат кор қилмайди.

Суҳбат таълими Нақшбанддан олдин ҳам бўлган. Аммо Нақшбанд суҳбатлари у кишининг бошқа тарбия усуллари – яширин, ботиний зикр, “анжуман ичра хилват” қоидаларига мувофиқлаштирилиб, суннат йўриғига солинган эди. Нақшбанднинг диққат-эътибори тасаввуфни шариат билан келиштириш, илҳом ҳаяжонлари ва тўғёнлари, Мансур каби “Анал ҳақ” деб нидо қилишларни сўндирди, ловуллаган алангалар ўрнига лаҳча манқалларни пайдо этиб, бетоқат булбул эмас, жимгина шаъмга талпиниб, ёнадиган парвонани афзал деб билади.

Улуғ шоир Алишер Навоий Нақшбанд сулукининг моҳиятини жуда аниқ таърифлаб: ботиний ҳолни халқдан яшириб, ботиний олам билан ҳақ васлига мушарраф бўлиш, кўнгилда ирфон нурини лиммо-лим сақлаш, аммо буни ўзгалардан пинҳон тутиш, дилда маърифатнинг юз минг дарёси тошиб турса ҳам, садаф каби оғзини очмасликни айтади. Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатлари моҳиятини тушунтириб деганлар: “Бизнинг тариқатимиз урвон вусқодир (мустаҳкам тутқичлар), яъни хазрати Расул Саллолоҳу алайҳу васаллам мутоибати этадиган тутмоқ ва саҳобам киром меросига эришишдир”. Яна кўшиб қўйганлар: “Ҳар ким бизнинг тариқатдан юз ўгирса, диндан хатар кўради”.

Ҳозирда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари халқ заҳира билан ва ботинда Ҳақ билан” шиорини кўтариб чиққан бўлсаларда, хилватни бутунлай инкор этган эмаслар. Умуман хилватни инкор этиб, сўфий бўлиш мумкин эмас. Чунки тасаввуф ботин билан ғайб олами билан ошноликдадир, бу эса табиий равишда алоҳида ҳаёт тарзи, бошқаларга ўхшамаган руҳий–маънавий равиш ва амалларни талаб қилади.

Шуни ҳам қайд этмоқ ўринлики, самоъ ва зикри жалони ёқтирмаган Баҳоуддин ҳазратлари, куй-кўшиққа бетараф муносабатда бўладилар. “Маноқиб Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” китобида келтириладиким, ул зотдан сизнинг мусика, сурудга муносабатингиз қандай деб сўраганларида, ул киши ўзларига хос заковат билан сўз ўйини орқали “Мо ин кор наукунем, аммо инкор нокунам”. (Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам қилмаймиз), деб жавоб берганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд тариқати тарафдорларига хос ягона марказ бўлмаган. Кейинчалик Баҳоуддин мақбараси унинг ҳамма аъзолари учун сиғиниш жойи бўлиб қолди. Жамоадаги итоаткорлик ва махсус хонақоҳда истиқомат қилиш бошқа тариқатлардан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди. Нақшбандия зоҳидлик (таркидунёлик) ни инкор этади. Ҳамма “биродарлар” дунёвий-сўфийлар бўлиб, махсус масканларда яшашлари мажбурий эмас, деб кўрсатади.

Нақшбандия тариқатининг баъзи шаҳобчалари тепасига Аллоҳ сўзи ёзилган ва юрак шакли чизилган нишон (тамғаси)га ҳам эга бўлган. Нақшбандия аъзоси бошига узун бўлмаган жун қўлпоқ (кулоҳ) кийиб юрган. У тўрт қийикли (Туркияда баъзан 18 қийикли) бўлади ва унга Қуръон оятлари тикилган, ранги одатда оқ бўлади. Сўфийлар кийимининг қандай рангда бўлиши тавсия этилмаган. Тариқат асосчисининг номи унга замондош ва кейин яшаган кўпгина олимлар томонидан тасаввуфга оид ёзилган асарларга киритилган. У Нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввуф, тасаввуф назариётчиларидан бири, каромат кўрсатувчи мўъжизикор авлиё сифатида шараф билан тилга олинган, таржимаи ҳолига оид маълумотлар, мақоматларидан намуналар келтирилган. Бу соҳий каромат авлиё ҳақида Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ал-уне мин ҳазрат ал-қудус”, Фахриддин Воиз Кошифийнинг ўғли Али ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-хаёт”, Хожа Муҳаммад Порсо Бухорийнинг “Анис ат-толибин ва уддат ас-солиқин” асарларида маълумотлар берилган. Турк олими Шамсиддин Солийнинг “Қомус ал-аълум” китобида ҳам турк тилида қисқа маълумотлар берилган. Араб тилидаги “Ал-Мунжид” номли изоҳли луғатда ҳам Баҳоуддин номи Нақшбандия тариқатининг асосчиси сифатида эсга олинади.

3. Таълимотнинг инсонпарварлик ғоялари, Баҳоуддин Нақшбанд ўғитлари

Нақшбандия таълимоти ўзининг ҳаётга яқинлиги, ахлоқий ғояларга бойлиги, хусусан, меҳнаткаш халқнинг орзу-умидлари, фикр-ўйларини акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳақда биз туркиялик олим Энвер Бехнан Шаполёнинг ушбу тариқат ҳақидаги асарини келтирмоқчимиз. У 1964 йилда Истамбулда чоп этган “Масҳаблар ва тариқатлар тарихи” номли китобида Нақшбандия тариқатининг асосчиси бухоролик Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти, фаолияти, ушбу тариқатнинг халқ орасига ёйишдаги унинг саъй – ҳаракатлари ҳақида илк бор муфассал сўз юритади.

Олим, аввало, нақшбандия тариқатининг асосчиси бухоролик Баҳоуддин Нақшбанд ўз ғояларини турк элига ёйганлигини ёзади. Бу тариқат Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм ва ниҳоят бошқа жойларда ҳам кенг қулоч ёйди. Шаполён нақшбандия тариқатининг яссавийликка нисбатан халқ орасида кенгроқ ёйилганлигини, унинг ахлоқий томонларини, Аллоҳ висолига етгунга қадар инсоннинг покланиши йўлидаги мақомлари, босқичлари, яъни комил инсонни тарбиялаш йўлларига тўхталади. Хуллас, нақшбандия таълимоти, олимнинг фикрича, бошқа тариқатлардан таркидунёчиликни инкор этиш ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Тасаввуфнинг, шу

жумладан, нақшбандийликнинг асосида ҳақиқат, яъни Аллоҳ висолига етишиш, худо билан бирлашиш ётади.

Буни биз XIV-XV асрларда Ўрта Осиёдаги юксалишдан ҳам билишимиз мумкин. Бу даврда Амир Темур ва темурийлар марказлашган кучли давлат тузиб, натижада иқтисодий кўтаринкилик юз берди, савдо-сотик ривожланди, қишлоқ хўжалиги раванқ топди. Ҳукмдорлар маданият ва маънавиятга катта эътибор бердилар. Бу даврнинг муҳим белгилари дунёвий билимларни эгаллашга интилиш, илм-фан ва маърифатга эътиборни кучайтириш, ҳинд ва юнон маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш, аҳиллик ва билимдонлик, табиат сирларини ўрганиш, инсон ва унинг ахлоқий камолоти тўғрисида қайғуриш, инсонпарварликни тараннум этиш, инсон, унинг ахлоқий ва билим қобилиятларини куйлаш, ширинсуханлик, одамийлик ўзаро ҳурмат ва шунга ўхшаш фазилатларни кўтаришдан иборат эди.

Ўша даврда Мовароуннаҳрда маънавий юксаклик рўй беришида, шубҳасиз, тасаввуф, хусусан, нақшбандия тариқатининг хизмати беқиёсдир. Умуман олганда тасаввуфнинг йирик шайхлари, олим ва шоирлар инсонга унинг камолоти ва баркамоллигига катта эътибор бердилар. Масалан, тасаввуфнинг XV асрдаги кўзга кўринган вакили Шоҳ Дойи Шерозий (1406-1466) инсонни Аллоҳ томонидан ер юзида яратилган энг аъло мавжудоти, Аллоҳ бутун борликнинг кўзгусидир, Аллоҳ Борлиқ ва Инсон яхлитдир, уларни бир-бирларидан ажратиб бўлмайди. Лекин инсон бутун жисмлар, минераллар, ўсимликлар ҳайвонот дунёсининг гултожиси бўлиб, Аллоҳдан нур олиб туради, у дунёдаги барча жисм ва унсурларни ўзида тўплаган, деб ёзади. Шоҳ Дойи Шерозий инсоннинг фикрлаш қобилиятига юксак баҳо бериб, уни “дуру гавҳар”, “борликнинг кўзгуси”, “бебаҳо хазинаси”, “куёши”, “зарралар мажмуи”, “коинот ҳукмдори”, - деб атади.

Унинг фикрича, инсон фаришталардан ҳам юқори туради. Чунки инсон уларга ҳам билим бериб, ўз измига сола олади. Нақшбандия тариқатининг тарқалишида унинг инсонпарварлик ғоялари муҳим ўрин тутди. Унинг асосида инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотга эришиш йўллари ётади. Бу тариқат инсонларнинг ҳалол ва пок бўлиши, ўз меҳнати билан кун кўришга, ўзгаларга бева-бечораларга ёрдам бериш, камтар ва софдил бўлишга чорлайди. Манбаларнинг шохидлик беришича, Баҳоуддин Нақшбанд бутун умр меҳнат қилиб, шунинг эвазига кун кечирган.

Таниқли шарқшунос олим А.А. Семёновнинг ёзишича, у Нақшбандия тариқатини халқ орасига ёйиш билан бир қаторда ўз отаси билан бирга бежирим шойи матоларни тўқиб, уларга безак берган ҳамда металлларга турли нақшлар солган. Шу боис ҳам “нақшбанд” деган ном унинг касбкорини англатган. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилба-ёру, даст-бакор” (қўлим ишда, кўнглим Аллоҳда) ҳамда “зоҳиран халқ билан, ботинан ҳақ билан”, - деган пурҳикмат сўзлари бу тариқатнинг асосий моҳиятини белгилаб, унинг бу дунё ишларига, инсонларга нақадар катта эътибор берганлигидан далолат беради.

Нақшбандия тариқати бу дунё ишларидан юз ўгирмаслик, тинмай меҳнат қилиш, айна бир вақтда юксак иймон ва эътиқодга эга бўлиш, доимо дилида худони жо қилиб, унинг висолига етишга руҳан тайёрлашни билдиради.

Баҳоуддин солиқлар зоҳиридан доимо халқ билан бўлиши, бир-бири билан суҳбат қуриши лозим, деб билди. Алишер Навоий нақшбандия сулуки ҳақида: “Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офиятдур: хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатидадур-бу шарт билаки, жами бу йўл солиқлари бир-бири билан суҳбат тутсалар, ана кўп хайр баракатдур”, - деб ёзган эди. Нақшбандия тариқати яқин қариндош-уруғларга ёрдам кўлини чўзиш, одамларни севиш, уларга кўмак бериш, муҳтожларга хайр - эҳсон қилиш, инсонни поклаш ҳамда унга яхши фазилатларни сингдириш йўли билан унинг руҳан худо васлига етишишини тарғиб қилади.

Нақшбандия тариқати кишиларда меҳнатсеварлик, ҳалолликни, ростгўйлик, харом-хариж ишлардан ўзини тийишни тарғиб қилар экан, ўғрилик, нопоклик, ёлғончилик, фирибгарлик, таъмагирлик, бойликка хирс кўйиш каби ярамас иллатларни қоралайди. “Мақомати Ҳазрати Хожа Нақшбанд” рисоласида келтирилишича, Бухорода Шайх Ҳисрав деган савдогар дўконда этикфуршлик қилган. У жуда бой ва бадавлат бўлиб, ҳамёнида 4-5 минг динордан ортиқ пули бўлган. Кунлардан бир кун Хожа унинг дўконига ташриф буюради. Шайх Ҳисрав унинг олдига пешвоз чиқади. Хожа у билан булғор этигини савдолаша бошлайди. Шайх Ҳисрав бу этикни ўн бир динордан камига сотмаслигини айтади. Охири у 9-8 динорга сотишга рози бўлади. Шундан сўнг Хожа Шайх Ҳисравга қараб: “Бир кунда неча жуфт этик сотасан? Бир жуфт этик туфайли ўз сўзингда турмайсан, ёлғон гапирасан, боз устига Аллоҳ бандаларига содиқликка даъво ҳам қиласан”. Шайх Ҳисрав Хожа Баҳоуддинни ҳурмат қилар ва унга руҳан қаттиқ боғланиб қолган эди. Бу гаплардан кейин Шайх Ҳисрав ўзини гуноҳкор сезиб, беқарор бўлди. Хожа Баҳоуддин савдода ҳалоллик, адолатни ёқтирар, нопок ишлардан ҳазар қилар, айниқса фирибгарликни ёмон кўрар эди. Бундан ташқари, у солиқлар, яъни нақшбандия тариқасига эътиқод қилувчилар, бир-бири билан аҳил, дўст бўлиши, бири иккинчисининг хол-аҳволидан бохабар бўлиб туришлари лозим, деб билар эди.

Юқоридан таъкид этганимиздек, темурийлар даврида нақшбандия тариқатини Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воис, Кошифий, Алишер Навоий ва бошқалар ривожлантирдилар. Улар нақшбандия тариқатининг йирик вакиллари бўлиб, фирибгарлик ва адолатсизлик ҳамда ноҳақликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб борди. “Фуқароти Аҳрория”, “Манқиби Хожа Аҳрор” ва бошқа рисоалардаги фикрлар ҳам буни тасдиқлайди.

Хожа Аҳрор ўзига қарашли мулкларда ишлаётган хизматкорлар ўғирлик ёки бировни ҳақорат қилса, бошқаларга зўравонлик қилганини сезса, уларни турли йўллар билан қаттиқ жазолаган, вазифасидан олиб ташлаган, ишдан ҳайдаган. Ас-Сафийнинг “Рашахоти айнул ҳаёт” рисоласида таъкидланишича, Хожа Аҳрор ҳаётининг бошидан то охиригача танишу бегоналарнинг хизматида бўлган, дўстларининг ҳурматини жойига қўйган, уларга ҳомийлик қилган, душманларга шафқатсиз бўлган.

У ҳаётда инсонийлик, кишилар ўртасида дўстликни хуш кўрган. Халқни сабр-қаноатли бўлишга, инсоф ва диёнатга чақирган. Хожа Аҳрор қурғоқчилик йилларида қийналиб қолган туманларга ғалла тарқатган, бева-бечораларга

меҳр-шафқатли бўлишга интилан. “Маноқиб Хожа Аҳрор”да баён қилинишича, Умаршайх ҳукмронлиги даврида Тошкент аҳолиси оғир солиқдан қийналиб қолганлиги тўғрисида нохуш хабар келади. У Тошкент аҳолисини қийинчиликдан халос этиш учун 250 минг динор беради. Бошқа бир пайтда эса у мусулмонларнинг фаровонлиги учун 70 минг динор ҳадя этади. Нақшбандия тариқатининг давомчиси, ҳимоячиси – Хожа Аҳрорнинг ўта камбағалпарварлиги саҳийлиги, меҳрибонлиги, адолатпарварлиги ҳақида тарихий манбаларда кўплаб манбалар мавжуд.

Юқорида таъкидлаганимиздек Нақшбандия таълимоти солиқ учун бажариш шарт этилган ўн битта қонидани ўз ичига олади; улардан саккизтаси Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан киритилган, сўнгра учта қоида Баҳоуддин Нақшбанд томонидан илова қилинган. Али ибн Ҳусайн Вориз Кошифийнинг “Рашаҳот айнал-ҳаёт” асарида бу қоидалар ҳақида, жумладан, шундай дейилган:

1. Хуш дар дам – солиқ ҳар бир нафасдан огоҳ бўлсин. Токи у Аллоҳ зикридан иборат бўлсин ва ўзга васвасаларга сарфланмасин.

2. Назар бар қадам – солиқ юрганда кўзи қадамида бўлсин, мақсад Аллоҳни ёдлашдан бошқа нарсага чалғимасин.

3. Сафар дар ватан – солиқ ўз табиатида сафар қилсин, яъни нолайиқ одатлардан кечиб, поклик сари юрсин.

4. Хилват дар анжуман – солиқ халқ орасида бўлиб, қалба Аллоҳни ёд олсин.

5. Ёдқард – “Ла илоҳа иллаллоҳ” калимасини тилда ёки дилда зикр этмоқдан иборат.

6. Зикр айтувчи тилда калима айтганда дил ўша йўриқда уни талқин этмоғи зарур.

7. Нигоҳдошт – бу дилнинг муроқабанда бўлмоқ фаолиятидир; яъни бир нафас билан калимаи тойибани такрорлайди.

8. Ёддош – Аллоҳ ёди билан юришдан солиқ ҳамиша завқ олмоғи лозим.

9. Вуқуфи замоний – солиқ йўлда кетаётган кишидир; у ҳар бир нафаси Аллоҳга шукрона қилмоққа ёки узр айтмоққа лойиқлигидан воқиб бўлсин.

10. Вуқуфи ададий – илоҳий илм мартабасининг бошланишидир; бу “Ла иллаҳа иллаллоҳ” калимасини такрорлашдан мақсад кўп айтиш эмас, балки ҳақиқатни англаш ва зикр ташкил этишига эътибор беришдан иборат.

11. Вуқуфи қалбий айтилган зикрдан дилнинг тўла огоҳ бўлмоғидир.

Булардан ташқари, Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “Анис ат-толибин” асарида Баҳоуддин Нақшбандга мансуб бир қанча ўғитлар келтирилган. Улар қуйидагилар:

- Аллоҳ сари борувчи солиқ олдида доим ҳижоб (парда) бўлади: бизнинг тариқатимизда солиқ, унинг қайси мақомда турганини билмаслиги керак. Имон қалб тури:

- имом қалбнинг дуридир;

- Валий (киши) Аллоҳ инояти ила муҳофаза қилинган бўлади, уни ўз ҳолига ташлаб қўймайдилар, башарият офатлардан асрайдилар;

- Толиб аввалида бизнинг дўстларимиз суҳбатида бўлмоғи лозим, токи биз билан суҳбатга қурби етадиган бўлсин;

- (Муҳаммад Пайғамбар) суннатига амал қилмоқлик улуғ ишдир;

- кимки бизнинг тариқатимиздан юз ўгирса, дин учун хатарли бўлади;

- кимки кўнглида бизга нисбатан ихлос ва муҳаббат бўлса, у, хоҳ узоқда бўлсин, хоҳ яқинда, бизнинг шафқат тарбиятимиз унга фоиз келтиради; шу шарт биланки агар у ўзини тута билса, файз борадиган йўлни пок тута олса;

- Пир толибни тарбият қила олиши учун ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва келажагини англаб етмоғи лозим;

- бу тариқатнинг асосий шартларидан бири одобдир ва у ахлоқнинг яхшилиги сўз ва афъолнинг хушлигидан иборат. Кишининг ишдаги одоби у қилган ишдан (ҳам) афзал туради: Аллоҳга, Муҳаммад Пайғамбарга ва шайхларга нисбатан одоб бор;

- зикр айтмоқлик пир томонидан мукамал бўлиши керак, шундагина у натижа беради. Биз зикри хуфияни танлаганимиз сабаб бу зикр кучли ва афзалроқдир. Чунки зикри жаҳриятда зикр айтувчи ҳаракатда бўлади ва хушёрликдан четлашади; агар дилида, яъни хуфий зикр айтса, шайтон васвасасидан огоҳ бўлиб туради;

- орифлар уч йўл билан ўзлари учун йўналиш белгилайдилар: муроқаба (кузатиш), мушоҳада (текшириш) муҳосаба (назорат қилиш); ўзгаларга бу йўл беркдир;

- барча кароматлар тавҳид калимаси (Ла иллаҳа иллаллоҳ) билан ёнма-ён туради;

- тавҳид сирига тезда етишса бўлади, аммо маърифат сирига етишмоқ мушкулдир;

- аҳлуллоҳ ўз хулқларини аъло даражада етказиш, бирорта дилни шод этиш мақсадида халқнинг оғирини енгил қиладилар. Кимки бу дилни шод айлар, унга ўша дилдаги Аллоҳ назаридан файз етажак. Агар (одамларнинг) камчилигига қарайдиган бўлсак, ёр-дўстсиз қоламиз;

- кимки ўзгаларни ёқтирса, ўзини ёқтирган бўлади;

- агар ўздан кечсанг, ундан сўнг ҳаммаси роҳату хурсандчилик бўлади;

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва ўғитлари ўз халқчилиги, шу билан бирга чуқур фалсафий мазмунга эга бўлганлигидан кенг тарқалиб катта шуҳрат қозонди. Шу боис бу панд-насихатлар XV асрдан бошлаб, Ўрта Осиё халқларининг маънавияти, айниқса шоирларимиз назмидан мустаҳкам ўрин ола олди.

4. Тариқатнинг кенг қулоч ёйиши

Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг замон талабларига мослиги, унинг барчага хослиги унинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Бу йўналиш ҳукмдорга ҳам, гадога ҳам хуш келар эди.

Ўша вақтларда Мовароуннаҳрда, шу жумладан Бухорода ҳам минг-минглаб дарвешлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий иши сафар-саёҳат саналиб, улар ҳеч қачон ишламас, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай,

гадоликда яшашни фахр деб билардилар. Баҳоуддин Нақшбанд уларнинг ҳаёт тарзини том маънода ўзгартирди, одамларнинг кўли ишда, дили Худода бўлиши керак дея (“Дил ба ёру, даст ба кор”), уларни меҳнатга чорлади. Бу борада дастлаб ўзи ўрнак кўрсатди, тўқувчилик билан шуғулланди.

Баҳоуддин таълимотига амал қилувчилар сони кундан-кунга, йилдан-йилга ортди. Дарвешларнинг жамоалари, минглаб қаландарлар тинч, осойишта ҳаётга қайтдилар. Улар ҳақ Таъло йўлида маърифат ҳосил қилиш билан бирга, ўз меҳнатлари билан кун кечириш даражасига етдилар. Баҳоуддин кечалари Бухорои шариф атрофидаги азиз-авлиёларнинг мазорларини айланарди. Шундай кечаларнинг бирида унинг кўзига фоний дунёни тарк этган пирларидан бири Абдулҳолиқ Ғиждувоний намоён бўлди ва у Баҳоуддинга ҳаққа етишиш йўлларида зикр мероси сирларини ўргатди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Хожа Баҳоуддин шогирдлари Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор ҳамроҳлигида Ҳаж сафарига отланди. Сафар давомида улар кўплаб шаҳарларда бўлишди, машҳур олимлар, дин пешволари билан учрашишди. Баҳоуддин айрим тариқатлар турли масҳаб вакиллари динни чалкаштириб юборилганини тушунди. У исломни асл ҳолига келтириш керак деган фикрга келди ҳамда ўртага ана шундай шиорни ташлади. Шарқдаги кўплаб мамлакатларнинг минглаб софдил мусулмонлари бу чақириққа қизғин жавоб бердилар. Шу тариқа Бухорода бош мақсади исломни мусаввофлаштириш ҳисобланган Нақшбандийлик Сулуки-ижодий мактаби вужудга келди ва Баҳоуддин ҳузурига турли ўлкалардан минглаб шогирдлар оқиб кела бошлади.

Нақшбандия тариқатининг очиқ таркидунёчилик қилмай, бу дунё ишларидан ошкор кўл силкимамай туриб ҳам, Аллоҳга етиш мумкинлигини кўрсатиб берганлиги мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари орасига кириб боришини таъминлайди. Баҳоуддин Нақшбанд даврларидан бошлаб, бу тариқатнинг мавқеи кўтарилгандан-кўтарилиб бораверди. Тасаввуф тариқатлари ва сўфийлар фаолияти мусулмон Шарқ, қолаверса Ғарб фалсафий-ахлоқий тафаккури тарихи тараққиётида ўзига хос ўрин тутганлиги аниқ. Аммо бу таълимотлар – тариқатлар тарихи, шарқшуносликда энг кам ўрганилгандир. Айниқса, тасаввуф, тариқатларнинг шажараси, сўфийларнинг ҳаёти ва фаолияти, илгари сурган ғоялари, хусусан фалсафий-ахлоқий қарашлари ҳақида коммунистик мафкура нуқтаи назаридан танқидий қарашлару маълумотларга эгамиз, холос.

Тасаввуф таълимотлари шарқ шеърӣ тафаккури, хусусан Саъдий, Ҳофиз, Деҳлавӣ, Жомӣ, Навоӣ, Бобур, Бедил, Машраб каби бобокалон шоирлар ижодига беқиёс таъсир кўрсатди. Шунингдек, машҳур сўфӣ назариётчилари улуғ шоирлар бўлганлар. Фаридиди Аттор, Жалолиддин Румӣ, Аҳмад Яссавӣ, Абдурахмон Жомӣ ва биз номларини билмайдиган юзлаб мутасаввуф олиму шоирлар борки, бу меросдан ҳозирча бебаҳрамиз.

Шуни қайд этиш керакки, Араб халифалиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар давлатининг подшоҳлари, Амир Темур, Темурийзодалар ва кейинги туркий ҳукмдорлар буюк сунний тасаввуф тариқатлари ва унинг машойихларига ҳомийлик қилганлар, улар шахсию эътиқодига ҳурмат эҳтиром

кўрсатганлар, вафотидан сўнг қабрларига мақбаралар барпо этиб, сўфий-дарвешлар учун хонақоҳлар курдирганлар.

Замонлар ўтиши билан тасаввуф тариқатлари мавқеи сусая борган. Шунга қарамай, сўфийларнинг Самарқанд, Марв, Хива, Тошкент, Ҳирот, Балх, Бухоро ва кўпгина бошқа шаҳарларда илмий-маърифий марказлари бўлган. Бундан ташқари, Шарқий Туркистонда, Қўқон, Афғонистон, Эрон, Балужистон ва Ҳиндистонда тасаввуф тариқатларининг йирик гуруҳлари мавжуд бўлган.

Сунний тасаввуф Ҳиндистон ҳудудида илк бор Бобур замонида пайдо бўлган. Тасаввуфнинг чинакам тарғиботчиси Муҳаммад Боқибиллоҳ Биранг (1563-1603) Деҳлида фаолият юритган. Шайх Биранг устозлари силсиласи Хўжа Аҳрор валийга бориб тақалади. Хуллас, тасаввуф оламида хилма-хил тариқатлар, уларнинг тармоқлари, сулоқотлари, турли-туман гуруҳлари беҳисобдир. Булар ҳақида Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи тариқати Нақшбандия, “Нафоҳот ул-унс”, “Ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт”, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Хожа Баҳоуддин”, Муҳаммад Порсонинг “Рисола Қутсиа”, Салоҳиддин Муборакнинг “Анис ут-толибин” каби ноёб асарлари муайян тасаввур беради.

Баҳоуддин Нақшбанд ахлоқий-фалсафий таълими анъаналарини замонлар занги ювиб кета олмайди. Ҳатто у бизнинг кунларгача қайсидир шаклларда, қайсидир ҳолатларда етиб келди.. нақшбандия таълимоти ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий маъно-моҳиятга ва ҳаётий мазмунга эга. Бир мисол келтирайлик: тарихий манбалар гувоҳлигича, мўғул босқинидан сўнг Туркистон кўп йиллар харобага айланди.

Ана шу хароба ўрнида мамлакат гуллаб-яшнашида, иқтисодий-маънавий юксалишида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг хизматлари катта бўлган. Улуғ пир “ҳаракатда баракат” таомилига амал қилиб, яъни “Дил ба ёру, даст ба кор” ахлоқий таълим-тарбияни ҳаётга татбиқ этиб, мингта муридидан касб-ҳунар ўрганишни, уларнинг ҳар бири эса ўз хунарини юзтадан шогирдига ўргатишни талаб этган эканлар.

Айни пайтда бу юзта шогирд ҳам бошқаларга ўз касб-ҳунарларини ўргатган. Шу боис мамлакат ҳар жиҳатдан тараққий этиб борган. Ёки Нақшбанд пиримизнинг “Хилват дар анжуман”, яъни ижтимоий бирлик ва бирлашиш, кўплашиб меҳнат қилиш, бир ишни мулоҳаза, мушоҳада билан адо этиш, “Сафар дар ватан”, яъни ватан равнақи ва шахсни комилликка эришиш мақсадида сафар қилиш, Аллоҳ яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлиш, дунё кўриш, билмаганларни билиш, маъмурлик сир-синоатларидан бохабар бўлишга даъват қилганлар.

“Назар дар кадам”, “Хуш дар дам” ахлоқий таълимлари ҳам шундай ижтимоий маънога эга бўлаган. Натижа шу бўлдики, Туркистон харобалари ўрнида навқирон Ватан кўкарди. Айтиш мумкинки, Амир Темур улуғ давлатининг пойдеворига олтин ғиштларни Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари кўйган эди. Улуғ пирнинг шогирдларидан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Аҳрор Валий ҳазратларининг туркий подшоҳларнинг низоларини бартараф этиш ва мамлакат иқтисодий-маданий равнақидаги улкан хизматларини тарихнинг ўзи тасдиқлайди.

Шундай қилиб, Нақшбандия тариқатининг исломнинг сунний анъаналаридаги аҳамияти катта бўлиб, бу таълимот шаҳар характерида бўлишига қарамай, кўпгина туркий қабилалар томонидан уларни бирлаштирувчи восита сифатида қабул қилинди. Мазкур таълимот Шохрух вафотидан кейинги даврдаги ғалабаларга ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Абдурахмон Жомий ҳам Нақшбандия тариқати шажарасига кириб унинг асарлари форс, турк ва ҳинд тасаввуфига жуда катта таъсир кўрсатди. Айниқса унинг 1476 йил ёзиб тугатган “Нафоҳот ул-унс” (Мутасаввуфлар таржимаи ҳоли) тўпламининг аҳамияти катта бўлди.

Маълумки, Жомий темурийзодалардан Султон Хусайн Байқаро давлатининг муҳрдори, Амир Алишер Навоий руҳона покланиш йўлига ўтган 1476 йили унга Нақшбандия тариқатини баён қилади. Алишер Навоий Хусайн Байқаро салтанатида илм-фан, санъат ҳомийси ва буюк шоир ҳамда носир сифатида довуғ таратади. У чиғатой (туркий) тилида қалам тебратган улуғ шоирдир. Алишер Навоий Ҳиротда Ихлосия хонақосига (Шохрух барпо этган) асос солди ва уни моддий жиҳатдан таъминлади, 90 работ қурдирди.

Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги энг таъсирли киши “Ҳазрати эшон” номи билан машҳур Насриддин Убайдуллоҳ ал-Аҳрор бинни Маҳмуд аш-Шоший бўлган. Хўжа Убайдуллоҳ ал-Аҳрор бинни Маҳмуд аш-Шошийнинг муридлари–сўфийлар кўчманчи ўзбеклар орасида ислом таъсирини кучайтиришга, бек ва амирларга тинч-тотув, сулҳ асосида яшашга жуда кўп хизматлар қилган. Хўжа Аҳрор Валийнинг улкан обрўси мамлакат ижтимоий ҳаётига катта таъсир этган. Нақшбандия шайхларининг амиру аъёнлар орасида ҳам обрўлари баланд бўлган. Темурийзодаларнинг деярли барчаси ана шу тариқат шайхларига мурид тушганлар.

Р. Тиллабоевнинг тарихий маълумотларига таяниб ёзишига кўра, манғит сулоласига мансуб Бухоро амирлари тахтга ўтиришларидан олдин албатта Баҳоуддин Нақшбанд қабрларига зиёратга чиққанлар, у кишининг даҳмаларини зиёрат қилиб, сўнг йўлга отланишган. Сафардан қайтганда ҳам аввал Баҳоуддин қабрларини зиёрат қилиб, кейин Аркка қадам қўйишган. Ҳатто, амир Насруллоҳ Баҳодирхон ҳафтада бир бор Аркдан Баҳоуддин қабрларига пиёда зиёратга бориб, яёв қайтган. Амир Абдулазизхон (1544 й.) эса Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ёнида улкан бир хонақоҳ қурдирган.

Нақшбандия тариқати кичик Осиё ва Кавказда, Қурдистонда, Афғонистонда, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда, Туркияда кенг тарқала борди. Ҳозир талай мусулмон мамлакатларида бу тариқат жуда катта мавқега эга. Ҳатто Покистоннинг Лаҳор шаҳрида ҳам Нақшбандия тариқатининг жаҳон маркази мавжуд.

1992 йилнинг ёзида ана шу нақшбандия жаҳон марказининг раҳбари, мазкур тариқатнинг ҳозирги улуғ пирларидан бири, Покистоннинг йирик жамоат арбоби ва диний уламози Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий юртимизга ташриф буюриб: “Ишончим комилки, нақшбандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутди”, деган сўзларни айтди. Туркиянинг собиқ Президенти марҳум Турғут Ўзол ҳам “Мен ҳам ҳазрати Нақшбанднинг йўлидаман, ота-боболарим ҳам мана шу йўлда, шу сулукда”, деб айтган эди.

Бугунги кунда Баҳоуддин Нақшбанд сулуки, бу тариқат пирлари ҳақида жаҳон илмида йирик-йирик китоблар ёзилган. Биргина Алишер Навоий бобомиз асарларида Нақшбандия таълимотининг қанчадан қанча талқинлари бор, бевосита Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларию аъмоллари билан боғлиқ не чоғлиқ мулоҳазаю, муҳокамаю маълумотлар мавжуд. Алишер Навоий “Насоим-ул муҳаббат”, “Садди Искандарий” асарларида Нақшбанд тариқатининг руҳий ахлоқий жиҳатларига юксак баҳо берган эди.

*Мусофир бўл Ватан ичра бўл,
Тилқ хилвату анжуман ичра бўл.*

Бу тариқат ғоялари бугунги кун учун, ҳозирги кишилар маънавий камоли учун, демакки, келажак учун ҳам жуда керак. Ж.С. Триминэм ёзганидек, тасаввуф, жумладан, нақшбандия фалсафаси “бундан буён ҳам инсониятнинг маънавий баркамоллиги учун муҳим ҳаётӣ таълимот бўлиб қолаверади”.

Бизнинг маънавиятимиз кенг маънода исломий маданият тизимидаги бир ҳалқадир.

Тасаввуф эса ана шу ислом одобини – маънавиятини янада кучайтирди, инсонийлик мезонларининг айрим жиҳатларига диққат эътиборни оширди, кишиларни бу дунёда бир буюк ва муайян мақсад сари етаклади, бутун ислом ахлоқининг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади ва шу тариқа комил инсон ғояси такомиллаштирилди.

Тасаввуф инсоннинг комилликка интилишини унинг Аллоҳга етиш сари йўли тарзида кўрсатди ва умумий бу йўл “ишқ” деб атади.

Тасаввуф инсонни ўрганар экан, аввало кишининг кўнглига таянди, кўнгилни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилди. Чунки Аллоҳ фақат инсоннинг кўнглидагина жилва қилади.

Инсоннинг ички маънавий маданияти мезонлари унинг ўз худбинлигини қай даражада енга олганига қараб аниқланади. Тасаввуф ана шу инсоний маданиятнинг энг олий чўққисига интилган таълимот бўлди. Тасаввуфдаги худбинлик “ўзлик” деган тушунча билан аталади. “Ўзлик” эса жисм ва нафсдан ташкил топади. Инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, ризолатлар ана шу жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади. Комил инсон бўлиш учун, аввало, ана шу жисм билан нафсни енгиш керак. “Кечиш” тушунчасининг моҳияти ҳам ана шундай. Буни ҳеч ҳам шунчаки таркидунёчилик деб тушунмаслик керак. Ёки, ҳеч бўлмаганда бу таркидунёчиликнинг тагида жуда катта фалсафий моҳият ётганини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим.

Миллий уйғониш кучайган бугунги кунда “ўзликни англаш” сўзини кўп ишлатамиз. Бир қарашда “ўзликдан кечиш” билан “ўзликни англаш” бир-бирига тамоман қарама-қарши тушунчалардек кўринади. Аслида эса ундай эмас. Тасаввуфдаги “ўзликдан кечиш” моҳиятан “ўзликни англашнинг йўли. Чунки инсон ўзлигидан кечиш орқали ўзлигини топади. Жисм ва нафс енгилгач, инсонда ҳеч бир иллат қолмайди. Ана шундай покиза руҳда Аллоҳ ўз жамолини кўрсатади. Чунки дунёда энг олий поклик, энг олий гўзаллик Аллоҳнинг ўзи. Шу боис инсон ҳамиша ана шу олий поклик ва олий гўзаллик сари интилиб яшамоғи лозим.

Нақшбандиянинг тасаввуф тариқатлари ичидаги энг буюк ҳиссаси шуки, инсоннинг Аллоҳга интилиши аввал фақат кўнгил ва Аллоҳ тарзида кўйилган бўлса, энди кўнгил ёнида кўл масаласи ҳам кўшилди. Кўшилганда ҳам шунчаки эмас, муҳим масала тарзида ўртага ташланди. “Дил ба ёру, дастба кор!” – шиорининг моҳияти шуки, кўнгил худога интилаверсин-у, кўл ишда бўлаверсингина эмас, балки кўнгил худога интилавериш учун кўл ишда бўлавериши керак. Шу жиҳатдан ҳам нақшбандия дунёвий тариқат сифатида кенг ёйилди.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган “Нақшбандия” таълимоти Ўрта Осиёдан Афғонистонга, Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига шиддат билан тарқала бошлади. Нақшбандия таълимоти Амир Темурнинг мўғуллар истилосига қарши кураш, мустақил давлат барпо этиб, унда маданий – маънавий ривожни таъминлашга интилишда, Темур ва темурийлар даври маданий юксалишида катта ижобий аҳамият касб этди.

XV асрнинг кўпгина олиму – фозиллари, давлат арбоблари, ижодларида Нақшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижодий муносабатда бўлдилар. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) даврида, ундан кейин, XVI-XVII асрларда бу жараён янада тезлашди. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Боқий Қобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга борганида ҳинд тупроғида ҳам бу тариқат авж олади. Бу машхур мутасаввуф олим Афғон ва Ҳинд юртларида Хожа Боқибилло номи билан машхур бўлади. Унинг шогирди Хожа Аҳмад Форух Сирхиндий (1563-1624) эса Нақшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда кенг тарқалишида муҳим роль ўйнайди.

Шу тариқа Хазрати Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий – сиёсий, маънавий – маданий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллади. Бу таълимот бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрлик, ижтимоий зулм – истебдодини қатъиян қоралайди ва бу таълимот тарафдорлари аскетизмга (тарки дунёчиликка) қарши, бой – инсонларни фақат ўз кўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чорлайди. Баҳоуддин Нақшбанд пиримизнинг даъватлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Юртимизда эришган истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида, ҳазрат Нақшбанд ўғитларига амал қилган ҳолда бирикиб, ҳамжиҳат бўлиб, тежамкор, хайри-саховатли, меҳр-оқибатли бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий юксалишида дилимизни Аллоҳга боғлаш, кўлимизни ҳалол меҳнатга буриш ва касб-хунар ўрганиш барчамиз учун муҳим вазифадир.

Хулоса

Нақшбандия таълимотидаги камтаринлик, сахийлик, бағрикенглик, меҳр-шафқат, хайри-эҳсон, ўзаро ёрдам, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва тотувлик, софдиллик, меҳнатсеварлик ва поклик, одиллик ва билимдонлик каби олға сурилган ахлоқий ғоялар ўз мазмуни ва моҳияти билан умуминсоний характерга эга бўлиб, ўзининг назарий ҳамда амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирги мустақиллик шароитида нақшбандия таълимотидаги ғоялар республикаимиз аҳолисининг шу жумладан, йигит-қизларнинг маънавий – маданий савияси ўсишига, миллий мафкурамизни шакллантиришга, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол етук инсон қилиб тарбиялашга, уларга миллий руҳни сингдиришга ёрдам беради.

Баҳоуддин Нақшбанд тимсолида инсон руҳиятининг нақадар таранглиги, бу дунёда ўз ифодасини тарбиялаб қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади⁶.

Бу буюк зот эл-юртга хизмат қилиш, аавало маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо адоватлар ҳали барҳам топмаган мураккаб вазиятда Нақшбанд бобомизнинг-миллати, тили ва динидан қатъи назар – инсон зотини азиз ва мураккаб билиш, ўзаро меҳр-оқибат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай ғоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч қувват оламиз.

Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни “Баҳоуддин Балогардон” деб улуғлаб келишида албатта теран маъно бор.

Дарҳақиқат, яратганнинг қудрати билан каромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юртимиз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офатлардан бало-қазолардан асраб келмоқда.

⁶ Каримов И. “Буюк алломаларга эҳтиром”. –Т.: Халқ сўзи, 2003й. 28 ноябрь.

СИЛСИЛАИ ШАРИФ

1. Саййид ва Коинот ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллолоху алайҳи васаллам.
2. Ҳазрати Абу Бакр Сиддик.
3. Ҳазрати Салмони Форсий.
4. Ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад.
5. Ҳазрати Жаъфар Содик.
6. Ҳазрати Боязид Бастомий.
7. Ҳазрати Абул Ҳасан Хороқоний.
8. Ҳазрати Абу Али ал-Фармадий.
9. Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний.
10. Ҳазрати Абдулҳолик Ғиждувоний.
11. Ҳазрати Ориф ар-Ревгарий.
12. Ҳазрати Маҳмуд Анжир ал-Фағнавий.
13. Ҳазрати Али ар-Ромитаний.
14. Ҳазрати Муҳаммад Бобойи Самосий.
15. Ҳазрати мир Кулол.
16. Ҳазрати Шоҳи Нақшбанд Баҳоуддин ал-Бухорий.
17. Ҳазрати Алоуддин Аттор.
18. Ҳазрати Яъқуб ал-Чархий.
19. Ҳазрати Убайдуллоҳ Аҳрор.
20. Ҳазрати Муҳаммад Зоҳид.
21. Ҳазрати Муҳаммад Дарвеш.
22. Ҳазрати Хожайин ал-Имганакий.
23. Ҳазрати Муҳаммад Боқий.
24. Ҳазрати Имом Раббоний Мужоаддин алфи соний Аҳмад Фарруҳ ас-Сарҳиндий.
25. Ҳазрати Муҳаммад Маъсум.
26. Ҳазрати Шайх Сайфиддин.
27. Ҳазрати Саййид Нур Муҳаммад ал-Бадвоний.
28. Ҳазрати Шамсиддин Жони Жонон Мазҳар.
29. Ҳазрати Шайх Абдуллоҳ ад-Дехлавий.
30. Ҳазрати Мавлоно Зиёуддин Холид ал-Бағдодий.
31. Ҳазрати Аҳмад ибни Сулаймон Холид Ҳасан ас-Сомий.
32. Ҳазрати Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушҳанавий.
33. Ҳазрати Ҳасан Ҳилмий ал-Кастамоний.
34. Ҳазрати Исмоил Нажотий ас-Сағфиранболий.
35. Ҳазрати Умар Зиёуддин ад-Доғистоний.
36. Ҳазрати Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ ат-Такфурдогий.
37. Ҳазрати Ҳасиб аш-Шерозий.
38. Ҳазрати Абдулазиз ал-Косоний.
39. Ҳазрати Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсоний.

Бу силсилаи шариф Садриддин Салим Бухорийнинг “Дилда ёр” (1993) китобидан олинди⁷.

⁷ //Халқ сўзи. 1993 йил 16 сентябрь. Тарикат дурдоналари Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари. – Т.: 1993 й. 72-73 бетлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. – Т.: Маънавият, 2008, 40-б.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон 1997. 7-жилд. 184-б.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Асарлар 7-жилд. – Т., 1998.
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Ғиждувоний Ҳ.А. “Васиятнома”. – Т., 1993.
6. “Рисолаи Сохибия”. – Т., 1993.
7. “Рисолаи Тариқат”. – Т., 1993.
8. “Маслак ал-орифин”. – Т., 1993.
9. “Мақсад ас-соликин”. – Т., 1993.
10. “Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний”. – Т., 1993.
11. Дурдона. Мир Кулол ва шоҳи Нақшбанд мақоматларидан. – Т., 1993.
12. Садриддин Салим Бухорий., “Дилда ёр”. – Т., 1993.
13. Садриддин Салим Бухорий., “Табаррук зиёратгоҳлар”. – Т., 1993.
14. Евгений Березников., “Святке лики Туркестана”. – Т., 1992.

З.Ш.Мираҳмедова, Қ. Эргашев
Баҳоуддин Нақшбанд – тасаввуф
илмининг султони

Илмий – рисола

“Иқтисодиёт” нашриёти, 2009.

Муҳаррир:
Ваҳобова М.М.
Техник муҳаррир:
Мирхидоятова Д.М.
Мусаххихлар:
Бобоева Н.С., Мирбобоева С.А.

Босишга рухсат этилди 10.08.2009 й. Қоғоз бичими 60x80 1/16.
шартли босма табағи 2.3. Адади 100 нусха. Баҳоси шартнома
асосида _____ - сонли буюртма.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
Босмаҳонасида босилди. 100003.
Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.